

**БОҚИЙ ФИКРЛАР**

**Фарзанд —  
дилбанд,  
Фарзанд —  
қанот.**

Ўзбек халқ  
мақоли

Kuch - bilim va tafakkurda



# Ma'rifat

ENLIGHTENMENT • XALQ ZIYOLILARI GAZETASI • معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan 2010-yil 5-iyun, shanba № 44 (8277) ISSN 2010-6416

## «МЕН МАКТАБГА БОРАМАН»

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ  
МАКТАБГА ТАЙЁРЛОВ ГУРУҲИ  
ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИ АНА ШУНДАЙ ИШТИЁКДА**



Юнусобод туманидаги 301-мактабгача таълим муассасасида 100 нафардан ортиқ болалар 6 гуруҳда тарбияланмоқда.

МТМда кичкинтойларнинг ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб вояга етишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Хусусан, уларнинг ҳам ақлан, ҳам жисмонан камол топишлари учун бир қанча тўғарақлар — бадий гимнастика, шахмат-шашка, моҳир кўллар, чаққон бармоқлар, халқ оғзаки ижодиёти ва тил ўрганиш тўғарақлари фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, болажонлар ўзлари қизиққан машғулотлар билан шуғулланмоқда.

— Ҳар бир гуруҳ хонасида сартарошхона, шифохона, кутубхона, ошхона ва миллий санъат бурчаклари ташкил этилган, — дейди услубчи Дилдора Муҳаммедова. — Муассасада ташкил этилган тўғарақлар аъзолари ҳар бир тадбирда фаол иштирок этмоқда. Жумладан, ёш бадий гимнастикачиларимиз устозлари Зухра Умарова раҳбарлигида байрамларда чиройли чиқишлари билан барчани хурсанд қилади.

Дарҳақиқат, меҳрибон ва малакали тарбиячилар қўлида таълим-тарбия олаётган эртамиз эгалари ҳадемай мактабнинг муқаддас остонасини ҳатлаб ўтади.

**Суратларда: МТМ ҳаётидан лавҳалар акс этган.**

**Б.РИЗОКУЛОВ олган суратлар.**



### ДИҚҚАТ, ОБУНА!

“Ma'rifat” газетасига 2010 йилнинг иккинчи ярми учун обуна давом этмоқда.

*Азиз муштарийлар!*

“Ma'rifat” саҳифалари орқали таълим-тарбия соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар натижалари, тизимда олиб борилаётган кенг кўламли янгиланишлар, ўқитувчилар фаолиятини бевосита таълим-тарбия самарадорлигини янада оширишга йўналтириш мақсадида ишлаб чиқилаётган янги меъёрий-ҳуқуқий, методик хужжатлар билан тезкор равишда хабардор бўлишни истасангиз, ушбу нашрга жорий йилнинг 2-ярми учун обуна бўлинг.

Обунали “Матбуот тарқатувчи” ҳамда “Ўзбекистон почтаси” акциядорлик компанияларининг жойлардаги бўлимларида амалга оширишингиз мумкин.

### Ma'rifat

Нашр кўрсаткичи:  
якка обуначилар ва  
ташкilotлар учун — 150.

### ХХР РАИСИ ХУ ЦЗИНЬТАОНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг таклифига биноан Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао 2010 йил 9—11 июнь кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлади, шунингдек, ШХТ саммитида иштирок этади.

Ташриф давомида Ўзбекистон — Хитой ҳамкорлигини кенгайтириш ва ривожлантириш масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар муҳокама қилинади.

Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини ривожлантиришга қаратилган икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

### ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

**ЭЛЕКТРОН  
АХБОРОТ-  
ТАЪЛИМ  
РЕСУРСЛАРИ**  
қулай, афзал ва  
самарали

3-бет

**КИТОБГА  
МЕҲР КЎЙГАН  
БОЛАЛАР**

6-бет

**ИСМ —  
ИНСОН  
ХУСНИ**

7-бет

**КЕНГУРУ —  
«ГАПИНГИЗНИ  
ТУШУНМАДИМ»**

12-бет

Истеъдоднинг камолга етмоғи кўп жиҳатдан атрофдагиларнинг қўллаб-қувватлаши, рағбати, тушунмоғи ва қадрламоғига боғлиқ. В.Успенский номидаги республика иxtisosлашган музика академик лицейида тахсил



## ХАЙРИЯ КОНЦЕРТИ



олаётган ёшларнинг бир қатор республика ва халқаро миқёсдаги танловларда муваффақиятли иштирок этаётгани бир жиҳатдан мамлакатимизда музика ва санъатнинг ривожига катта эътибор қаратилаётганининг маҳсули бўлса, иккинчидан, қобилиятли ёшларнинг фидойи устозлар қўлида таълим олаётгани, халқимизнинг санъатни эъзозлаши, ардоқлашининг натижасидир.

Яқинда Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан ташкил этилган IV хайрия кон-

церти фикримизнинг яна бир далили бўлди.

— Саҳнага чиқаётган ёшлар республика-мизнинг турли ҳудудларидан келиб, лицей-мизда тахсил олаётган иқтидор соҳибларидир, — дейди таълим муассасаси директори Дилдора Жамолова. — Шунингдек, XTV тасарруфидagi республика музика ва санъатга иxtisosлаштирилган мактаб-интернатнинг ўқувчилари, «Янги авлод» болалар ижодиёт маркази истеъдодли ўғил-қизларининг чиқишлари ҳам тоmoshabinлар томонидан илқ кутиб олинди. Улар ижро этаётган жаҳон композиторларининг мумтоз асарлари миллатлараро тинчлик, тоғувлик, дўсту биродарликни ҳам тараннум этапти, десам муболага бўлмас. Чунки санъат дилларни дилларга, элларни элларга яқин этувчи риштадир.

**МУХБИРИМИЗ**  
**В.ГРАНКИН** олган суратлар.

## ЭЗГУЛИКНИНГ ҚАДРИ БАЛАНД

Касаба уюшмалари, таъбир жоиз бўлса, иш берувчи ва бажарувчи ўртасидаги бир кўприк, меҳнат ва меҳнатқашнинг ҳуқуқ ва бурчларини қонун даражасида ҳимоя қилиб, рағбатлантириб тургувчи бир таянчдир. Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар ташкилоти ҳам бу борада бир қатор ижобий ишларни амалга ошириб келмоқда. Яқинда бўлиб ўтган ташкилотнинг IV конференциясида ана шу каби масалаларга эътибор қаратилди.

Дарвоқе, ташкилотнинг III конференциясидан буён ўтган давр мобайнида иш берувчилар билан ижтимоий шерикчиликни ривожлантириш, ҳамкорликни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Агар 2005 йилда 411та бошланғич касаба уюшма ташкилотларида жамоа шартномалари тузилган бўлса, 2009 йилда уларнинг сони 966тани ташкил этди. Мавжуд 13та жамоа келишувлари ҳамда 966та жамоа шартномаларининг лойиҳалари Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси томонидан қабул қилинган тартибда экспертиза қилинди.

Бугун уларнинг аксарияти аниқ-равшан мазмун касб этиб, педагог ходимларнинг турмуш фаровонлигини яхшилашга бевосита ўз таъсирини ўтказмоқда.

2004—2009 йиллар давомида 46та таълим муассасаларида шаҳар кенгашининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассиси томонидан текширув ишлари амалга оширилиб, 156та меъёрий қоидалар бузилганлиги ҳақида иш бе-

**Sarhisob**



рувчиларга кўрсатмалар берилди ва ижроси назоратга олинди. Ҳисобот даврида касаба уюшмалари фаолларининг малакасини ошириш мақсадида тажрибали мутахассислар жалб этилиб, махсус ўқиш ва семинарлар ташкил этилди. Бундан ташқари, меҳнат қонунчилиги талабларига доир услубий тавсиялар мунтазам суръатда бериб борилмоқда.

Эътироф этиш жоизки, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши тизими ўз атрофида 77 мингга яқин талаба ва 53 минг 500 нафардан ортиқ ўқувчи-ёшларни ҳам жамлаган.

2005—2010 йилларда 146 нафар иқтидорли, жамоатчи, кам таъминланган талабалар махсус устама стипендиялар билан тақдирланмоқда. Бундан ташқари, 2008-2009 ўқув йилида 13 нафар, 2009-2010 йилда эса 17 нафар боқувчисини йўқотган талабаларнинг бир йиллик шартнома пуллари тўлаб берилди.

Конференцияда кенгаш раиси Т.Ақромов, тафтиш комиссияси раиси Н.Фатхуллаевнинг маърузалари тингланди ҳамда Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши, тафтиш комиссиясига аъзолар сайланди. Шунингдек, Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси IV қурултойига, Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмасининг V конференциясига делегатлар сайлови ҳам бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Носирхон Акбаров иштирок этди.

**О.МУРОДУЛЛАЕВА**

**Б.РИЗОКУЛОВ** олган суратлар.



**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди**

### Грант олиш учун танлов эълон қилади

Ўзбекистон Республикасининг нодавлат нотижорат ташкилотларидан ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан **“Баркамол авлод йили”** Давлат дастурининг амалга оширилишига қаратилган, қуйидаги мавзулардаги лойиҳалари кўриб чиқиш учун қабул қилинади:

- соғлом авлодни шакллантириш, соғлом болаларни тарбиялаш масалалари юзасидан аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини кучайтириш;
- ёшларда соғлом ва аҳил-иноқ оила қуришга интилишни шакллантириш;
- аҳолини иш билан таъминлаш ва халқ фаровонлигини оширишнинг муҳим йўналиши сифатида кичик ва оилавий бизнесни, хусусий тадбиркорлик ва касаначиликни, халқ хунармандчилигини ривожлантиришни янада рағбатлантириш ва бу соҳадаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш.

**Битта лойиҳа бўйича ажратиладиган энг катта грант миқдори — 10 млн. сўм.**

Ҳужжатлар 2010 йил 30 июнь соат 16:00 га қадар қабул қилинади.

Танловда давлат рўйхатига олинган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этиши мумкин.

Танлов бўйича ҳужжатлар муҳрланган (ёпиқ) конвертда (A4 формат): **“100035, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Бунёдкор кўч., 1-уй”** манзилда жойлашган **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди** номига (CD дискда электрон кўринишдаги нусхаси билан) юборилиши шарт.

Танловнинг республика ҳудудларидан иштирок этувчилари ҳужжатларни **grant-7-ngo@inbox.ru**, электрон манзилга юборишлари мумкин. Барча матнли ҳужжатлар Times New Roman 14 шрифтида тайёрланиши керак.

Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатлари намуналари билан Фонднинг қуйидаги расмий сайтида: **www.fundngo.uz.**, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фондининг Ижрочи девонида танишиш мумкин (тел.: 239-26-76).

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди**

### Грант олиш учун танлов эълон қилади

Ўзбекистон Республикасининг нодавлат нотижорат ташкилотларидан ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан **ижтимоий аҳамиятга молик вазифаларни рўёбга чиқаришга, аҳолининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, мамлакатимиз минтақаларидаги экологик вазиятни соғломлаштириш борасидаги ижтимоий фаоллигини таъминлашга қаратилган**, қуйидаги мавзулардаги лойиҳалар кўриб чиқиш учун қабул қилинади:

- аҳолининг ижтимоий фаоллигини ошириш, уни иш билан таъминлаш, шу жумладан, олис жойларда, қишлоқларда касбга ўқитишни яхшилаш;
- аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашга, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга, шўрини камайтиришга, сув, ер ресурслари ва ер қаъридан оқилонга фойдаланишга кўмаклашиш.

**Битта лойиҳа бўйича ажратиладиган энг катта грант миқдори — 8 млн. сўм.**

Ҳужжатлар 2010 йил 30 июнь соат 16:00 га қадар қабул қилинади.

Танловда давлат рўйхатига олинган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этиши мумкин.

Танлов бўйича ҳужжатлар муҳрланган (ёпиқ) конвертда (A4 формат): **“100035, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Бунёдкор кўч., 1-уй”** манзилда жойлашган **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди** номига (CD дискда электрон кўринишдаги нусхаси билан) юборилиши шарт.

Танловнинг республика ҳудудларидан иштирок этувчилари ҳужжатларни **grant-8-ngo@inbox.ru**, электрон манзилга юборишлари мумкин. Барча матнли ҳужжатлар Times New Roman 14 шрифтида тайёрланиши керак.

Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатлари намуналари билан Фонднинг қуйидаги расмий сайтида: **www.fundngo.uz.**, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фондининг Ижрочи девонида танишиш мумкин (тел.: 239-26-76).

Юртимизда фарзандлар камалига берилган юксак эътибор натижаси ўлароқ, олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари қатори умумтаълим мактаблари ҳам энг замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминланмоқда. Бугунги кунда барча фанларни ўқитишда улардан унумли фойдаланилаётгани эътиборлидир. Ўқув дастурларига мос электрон дарслик, ўқув фильмлари ҳамда турли номдаги мультимедиа дастурий воситаларининг мактабларга кириб бориши таълимни янгилашда муҳим омил бўлаёттир.

Ўқув фанлари бўйича электрон дарслик ҳамда қўлланмаларнинг яратилиши ва амалиётга жорий этилиши таълим сифатини янги bosqichga олиб чиқишда муҳим аҳамиятга эга. Бу воситалар ахборот технологиялари асрида яшаётган педагог ва ўқувчилар учун улкан изланиш, муваффақият ва янги марраларни қўлга киритиш йўлларини очди. Республика таълим марказининг таълимни ахборотлаштириш бўлими бошлиги Баҳодир Болтаев билан уюштирган суҳбатимиз бу борада яратилаётган кенг имкониятлардан унумли фойдаланиш мавзусига бағишланди.

ахборот технологияларини қандай татбиқ этиш тажрибаси синаб кўрилмоқда.

— **Электрон дарслик, ўқув қўлланмалари ҳамда мультимедиа воситаларини яратишга қўйилган талаблар қандай? Бугунги кунда электрон ахборот-таълим ресурслари қандай мезонлар асосида яратилляпти?**


— Тан олиш лозимки, биринчи маротаба электрон дарслик яратиш бўйича тендер танловлари эълон қилинганида тажрибалар етарли эмасди. Рақобат, танлов имконияти бўлмаганлиги сабаб, дастлабки яратилган электрон дарслик ва қўлланмаларда айрим муаммолар кўзга ташланганди. Ўша даврда электрон дарслик ва ўқув қўлланмала-

ларни кўрсатиб бера олади. Мавзуларнинг анимацион, дидактик кўргазмаллиги одатий дарсликка нисбатан ўзлаштириш имкониятларини оширишга хизмат қилади.

Ҳозирги кунда Республика таълим маркази мутахассислари томонидан умумтаълим мактаблари учун компьютер ўқув-ўйинлари ҳам яратилмоқда. Улар болалар ёши ва қизиқишларига мос, ўзига хос дизайн ва кўринишга эга бўлиб, ўқувчилар турли фанлардан билимларини бойитиш билан биргаликда компьютер саводхонлигини ҳам мунтазам равишда ошириб боради. Ушбу

## Dolzarb mavzu

ўйин ва тренажёр, назорат қилувчи дастурлар, таълимни тарғиб қилувчи тақдимотлар, ўқув-ўргатувчи дастурлар (электрон қўлланма, дидактик материаллар), веб саҳифалар ҳамда дарс жараёни ва мактаб бошқарувини автоматлаштириш бўйича яратилган ишлар ҳакамлар ҳайъати томонидан ўрганиб чиқилди. Танловга буюртмадан ташқари намойиш қилиш учун 10дан зиёд қўшимча ишлар ҳам тақдим этилди. Мазкур электрон қўлланмалар, дарс ишланма-



# ЭЛЕКТРОН АХБОРОТ-ТАЪЛИМ РЕСУРСЛАРИ ҚУЛАЙ, АФЗАЛ ВА САМАРАЛИ

— Аввало, юртимизда электрон ахборот-таълим ресурсларини яратиш ва уларни таълим тизимида қўллашнинг илк bosqichlariga тўхталиб ўтсангиз.

— Мамлакатимизда 2003 йилдан буюн электрон ахборот-таълим ресурсларини таълим тизимида қўллаш бўйича бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда. Таълим жараёнида ахборот коммуникация технологияларини қўллаш орқали ўқув жараёнини янгилаш, компьютер техникасидан фақатгина информатика фанида эмас, балки бошқа йўналишларда ҳам унумли фойдаланишга эҳтиёж бор эди. Халқ таълими вазирлиги томонидан эълон қилинган дастлабки тендер танлови орқали 6та фан йўналишида 12 номдаги электрон дарсликни яратиш бўйича изланишлар бошланди. Ушбу электрон дарсликлар 2004 йили республикамизнинг турли вилоятларидаги таъриба-синов мактабларида қўлланилган, зарур ўринлар такомиллаштирилиб кейинги ўқув йилидан юртимиз умумтаълим мактабларига кенг жорий этилди. Электрон дарслик яратиш жараёни шундан сўнг янада қизгин тусга кирди. Улар қаторидан мультимедияли электрон ўқув фильмлари яратиш масаласи ўрин олди. Кейинги ўқув йилларида жами 45 номдаги электрон дарслик, 26 номдаги ўқув фильми яратилиб, таълим жараёнига татбиқ этила бошланди. Она тили, кимё, биология, Ўзбекистон тарихи, миллий ғоя йўналишидаги дарсликларнинг ҳар бир мавзусига доир яратилган электрон манбалар 6-7 дақиқага мўлжалланган бўлиб, улардан педагог ўқув йили мобайнида ўз имкониятига қараб фойдаланиши мумкин. Ушбу электрон таълим ресурсларидан фойдаланиш жараёнида ундаги маълумотлар янгиланиб турилади.

— **Электрон дарслик ва мультимедиа воситаларининг ижобий натижаси улардан тўғри, ўз вақтида фойдаланилгандагина кўзга ташланади. Бунинг учун эса албатта умумтаълим мактабларида фаолият юритаётган педагог-ўқитувчилардан тегишли билим ва кўникмалар талаб қилинади. Бу борада қандай ишлар амалга оширилмоқда?**

— Шубҳасиз, электрон дарслик ва мультимедиа воситаларидан унумли фойдаланишда педагог кадрларнинг компьютер саводхонлиги бирламчи шарт саналади. Ёдингизда бўлса, 2006-2007 ўқув йили “Педагог кадрларнинг компьютер саводхонлигини ошириш ўқув йили” деб эълон қилинган эди. Айни дамда мамлакатимиздаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтларида ўқитувчилар учун 18 соатлик ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш курслари ташкил этилган бўлиб, ҳар бир ўқитувчи-педагог ҳар уч йилда шу йўналишда ўз билим ва кўникмаларини ошириб келмоқда.

Ўқитувчиларнинг компьютер саводхонлигини оширишда улар ўртасида ўтказилаётган турли кўрик-танловларда алоҳида шарт асосида ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаси ўрганилиши муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, “Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси” кўрик-танловининг барча bosqichlarida ўқитувчилардан компьютер ва мультимедиа воситаларидан дарс жараёнида фойдаланиш шarti мавжуд. Эътиборлиси, ушбу танлов ўтказилган дастлабки йилларда ўқитувчиларнинг компьютер саводхонлиги оддий элементар билимлар асосида баҳоланган бўлса, кейинги йилларда педагогларнинг ҳар бир ўтиладиган дарс мавзусига электрон ресурслар,

ри мутахассислар томонидан турли усулларда, ҳар хил кўринишда тайёрланарди. Сўнгги йилларда электрон дарсликларни тайёрлашда халқаро тажрибалардан келиб чиқиб, замонавий техник воситалар, янги дастурлардан унумли фойдаланилди, электрон ахборот ресурсларни бир хил талаб, ягона платформа асосида яратишга аҳамият берилляпти.

Шунингдек, янги электрон ахборот-таълим ресурслари камидан тўрт йил давомида умумий ўрта таълимда қўлланиши кўзда тутилган дарсликлар асосида тузилиши, ўқувчиларнинг ёши, қизиқиши, жисмоний ва рухий имкониятларига мос келиши асосий талабдир. Шу сабабли уларни яратишда тиббиёт ходимлари, психолог, дарслик муаллифи, ўқитувчи (амалиётчи), методист, дастурчи ва бошқа мутахассислардан иборат катта ишчи гуруҳлари шакллантирилади. Бунда болага фан бўйича энг сўнгги маълумотни замонавий методика орқали уза тиш биринчи даражали вазифага айланмоқда.

— **Ресурсларнинг афзалликлари, аъъанавий дарслик ва ўқув қўлланмаларидан фаркли жиҳатлари нималарда кўринади?**

— Бугунги кунда ўқув жараёни ахборот коммуникация технологияларисиз тасаввур қилиш қийин. Улар педагогни ҳам, ўқувчини ҳам изланишга, янги инновацион усулларда ишлашга чорлайди. Электрон ресурслар ёрдамида ўтилган мавзулар ўқувчи тасаввурини кенгайтиради, ўша дақиқанинг ўзидаёқ фикр-мулоҳаза юритишга ундайди. Айтайлик, саккизинчи синф физика дарслигидаги “Ички ёнув двигатели” мавзусини ўтишда электрон дарслик двигателнинг ишлаш жараёни, унинг ички тузилишига доир ўқувчига билиши лозим бўлган барча маълумот-

ўйинлар болаларни мантиқий фикрлашга ўргатади. Ўйин охирида ғолиб чиққан ўқувчиларга мультфильм қўйиб берилади. Ўзини қизиқарли мультфильм кутаётган бола мантиқий савол ва тестларга тезда жавоб беришга, бунинг учун эса кўпроқ билим эгаллашга интилади.

— **Яқинда Бухоро шаҳрида таълим-тарбия жараёнига ҳар томонлама қулай ва афзал электрон ахборот ресурсларини татбиқ этиш мақсадида кўрик-танлов ўтказилганидан хабаримиз бор. Шу ҳақда тўхталиб ўтсангиз.**

— Жорий йилнинг “Баркамол авлод йили” деб эълон қилиниши муносабати билан ҳар бир умумтаълим мактабини 41 номдаги электрон дарслик ва ўқув фильмлари, шунингдек, Ўзбекистон тарихи, маданияти ва замонавий ютуқларини ҳаққоний акс эттирган электрон манбалари билан таъминлаш мақсадида кенг қўламли ишлар қилинмоқда. Бу йил электрон дарсликларга яна бир янгилик киритиш кўзда тутилган. Яъни, физика, кимё, биология фанларидан яратилаётган электрон дарслик ва қўлланмалар лаборатория ишлари билан мазмунан бойитилади.

Яқинда таълим тизимида ахборот коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш, иқтидорли, изланувчан педагог ва ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Бухоро шаҳрида “Электрон ахборот-таълим ресурслари” республика кўрик-танлови ўтказилди. Икки йўналиш ва беш номинация асосида ташкил этилган танловда 65 нафар муаллифнинг 75та ўқув,

мультимедияли дидактик материаллар ҳамда веб саҳифаларнинг аввалги йилларга нисбатан мазмунан ўзгарганлиги, замон талабларидан келиб чиқиб янги технологияларга асосланганлиги кўпчилик томонидан эътироф этилди. Мазкур танловда иштирок этиб, ғолиб деб топилган энг сара ишлар мутахассислар томонидан яна бир бор ўрганиб чиқилиб, кейинчалик республика миқёсида оммалаштирилиши режалаштирилмоқда.

— **Мутахассис сифатида ўқитувчи-педагогларга электрон ахборот ресурсларидан фойдаланиш бўйича қандай маслаҳатлар бера-сиз?**

— Кўплаб ўқитувчилар мавзуни электрон дарслик ва қўлланмалар, унга мос дидактик электрон ўйинлар ҳамда мультимедиа воситалари ёрдамида тушунтириш жараёнига алақачон киришди. Эътиборли жиҳати, жойларда малакали педагогларнинг шахсий ташаббуси билан ҳам мактаб доирасида фойдаланишга мўлжалланган электрон ахборот-таълим ресурсларининг ишлаб чиқилаётганлиги қувонарлидир.

Аммо ўз ўрнида айтиш жоизки, ҳали ҳамон айрим ўқитувчиларда компьютердан фойдаланишга эътиборсизлик, қизиқмаслик ҳолатлари бор. Шунини унутмаслик лозимки, мақсад ўқувчилар билимини ошириш экан, бу йўлда барча имкониятлар ўқитувчининг қўлида. Демак, ҳамкасбларимиз замон талабидан ортда қолмаслиги зарур. Бунинг учун эса бироз ҳафсала керак, холос.

Санжар РУСТАМОВ суҳбатлашди.

### 1 ИЮНЬ – ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ХИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА ХАМ КЕНГ НИШОНЛАНДИ.

Дастлаб, меҳмонлар Университет хиёбонига, вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан «Юрт келажаги — баркамол авлод қўлида!» шиори остида ташкил этилган кўргазмага таклиф этилди.

Тадбирга йиғилган ота-оналар, ўқувчи-ёшлар, ўқитувчи ва мураббийлар шаҳар ва туманларда фаолият юритаётган мактабдан ташқари таълим муассасалари, умумтаълим мактабларидаги тўғарак аъзолари ясаган турли ўйинчоқлар, техник буюмларнинг макетлари билан танишишди. Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари машгулотлари, ахборот-ресурс марказларининг китоб тақдимотларига гувоҳ бўлдилар. Айниқса, мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчилари, болалар санъат гуруҳларининг «Ягонасан, муқаддас Ватан!» мавзусидаги концерт дастури, театрлаштирилган сахна чиқишлари болажонларга завқ бағишлади. Шахримизнинг турли жойларида мактаб ўқувчилари, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ўртасида ўтказилган «Салом ёзи!», «Менинг ёзги таътилим», «Ер куррасида тинчлик» мавзуларида қоғозга, асфальтга расм чизиш кўрик-танловлари барчада яхши таассурот қолдирди.

— Бу тадбирлар ёзги таътил мавсумида ўқувчи-ёшларни мактабдан ташқари таълим муассасалари ва мактаблардаги тўғаракларга жалб этишда муҳим аҳамият касб этди, — деди вилоят халқ таълими бошқармаси мутахассиси Хуршид Ҳожиқулов. — Кўргазма давомида бошқарма ҳамда Самарқанд шаҳар халқ таълими бўлими томонидан 4 минг нафар кам таъминланган оила фарзандларига спорт футболкалари тақдимот қилинди.

Ҳақим Жўраев,  
«Ma'rifat» мухбири

### АНДИЖОН ШАҲРИДАГИ 30-УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИДА «БАДИИЙ АДАБИЁТ» ХАЙРИЯ ОЙЛИГИ ЎТКАЗИЛМОҚДА.

Бунда мактаб ўқитувчилари, ўқувчилари шаҳардаги «Янги турмуш», «Бобосадин», «Бирлашган» маҳалла фуқаролар йиғинлари аҳолиси фаол иштирок этмоқда.

Мактабнинг ахборот-ресурс марказида 27 минг дона китоб бор. Бир ярим мингдан зиёд ўқувчи ана шу катта бойликдан фойдаланмоқда. Ҳар бир синфда ўқувчилар кучи билан кутубхоналар ташкил этилди. Ўқувчилар ўз уйларида китоблар олиб келдилар. Ҳозирги кунда бу кичик кутубхоналардаги китоблар сони 300дан ортиб кетди. Бундан ташқари, ота-оналар, ҳомийлар ҳам китобхонликни тарғиб этиб, ўқувчилар учун ўзларининг севимли китобларини тухфа этмоқда.

О.СИДДИКОВ

### ЭРТАЛАБДАН БОҒЧАГА БОРГАН БОЛАНИ СЕВИМЛИ ЭРТАК ҚАҲРАМОНЛАРИ ШИРИНЛИКЛАР БИЛАН КУТИБ ОЛСА ЯНАДА ЗАВҚЛИ. ЮНУСОБОД ТУМАНИДАГИ 366-«ЮЛДУЗЧА» МТМДА БАЙРАМ КУНИ БОЛАЛАРНИНГ ТАШРИФИ АНА ШУНДАЙ ТАНТАНА БИЛАН БОШЛАНДИ.

Кичкинтойларни байрам билан табриклаш учун келган Тошкент давлат циркига қарашли «Мўъжиза» гуруҳининг артистлари бир-бирдан қизикarli томошаларини намойиш этди. Айниқса, масхарабознинг болажонлар, тарбиячилар ва тадбирда иштирок этган ота-оналар билан бирга турли кулгили ўйинлар кўрсатгани барчанинг қайфиятини кўтарди.



Шундан сўнг, муассасадаги ўзбек халқ чолғу ансамбли тўғарак аъзолари Зухра Қаюмова раҳбарлигида тайёрлаган концерт дастури меҳмонларга тақдим этилди. Хусусан, «Хуш келдингиз», «Хоразмча», «Андижон полкаси», «Қувонч» гимнастика рақслари болажонлар томонидан маҳорат билан ижро этилиши барчада катта таассурот қолдирди.

— Муассасамизда айни пайтда 192 нафар болажон тарбияланмоқда, — деди МТМ мудираси Маҳфуза Жўраева. — Уларнинг 30 нафари бу йил мактабга чиқади. Бугунги байрам тадбирида ҳам асосан, ана шу тайёрлов гуруҳи тарбияланувчилари ўз маҳоратларини кўрсатишди. Ўйлаймизки, улар мактабда ҳам энг фаол ва аълочи ўқувчилар бўлади.

— Байрам ҳақиқатан ҳам болажонлар учун унутилмас кун бўлиб қолади, — дея ўз таассуротларини билдирди тўрт ёшли Тасмилахон исми қизалоқнинг онаси Камола Абдуллаева. — Қизимнинг худди рақосалардек мароқ билан ўйнаганини кўриб, тўғриси, фахрланиб кетдим. Бу турли тўғаракларда меҳрибон тарбиячилар томонидан самарали ишлар олиб борилаётганидан далолат беради.

Райҳона Хўжаева,  
«Ma'rifat» мухбири

### СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ХИМОЯ ҚИЛИШ КУНИГА БАҒИШЛАБ ЭСДА ҚОЛАРЛИ ТАДБИРЛАР ЎТКАЗИЛДИ. АНА ШУНДАЙ МАЗМУНЛИ ТАДБИРЛАРДАН БИРИ МУЗРАБОТ ТУМАНИДАГИ 31-МАКТАБДА БЎЛИБ ЎТДИ.

Анжуман ташкилотчилари мамлакатимизда ёшларга яратилаётган шароитлар, ғамхўрликлар хусусида тўхталишди. Тадбирда 3та маҳалланинг 3та гуруҳ ёшлари 5 шарт бўйича беллашди. Жумладан, «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенция, «Таълим тўғрисида»ги қонун бўйича сахна кўринишлари намойиш этиб, мавзулар расмларда изоҳлаб берилди.

Хуллас, болалар бу борада етарли билимга эга эканликларини кўрсата билдилар.

Норқувват Тўраев,  
«Ma'rifat» мухбири



CHORRAHASIDA

### ФАВКУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДА ҚАНДАЙ ЙЎЛ ТУТИШ ЛОЗИМЛИГИ, УЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ УСУЛЛАРИНИ МАКТАБГАЧА ВА МАКТАБ ЁШИДАГИ БОЛАЛАРГА ЎРГАТИШГА КАТТА АҲАМИЯТ БЕРИЛИБ, УЛАРНИНГ БУ БОРАДАГИ БИЛИМЛАРИ БОЙИТИЛМОҚДА.

Бунда Фавкулотда вазиятлар вазириги хузуридаги Фуқаро муҳофазаси институти ва таълим муассасалари ўртасида йўлга қўйилган ҳамкорликнинг аҳамияти катта. Ушбу ҳамкорликнинг самараси ўлароқ кўргазмалар плакатлар ишлаб чиқарилиб, мактабга таълим муассасалари ҳамда умумтаълим мактабларига тарқатилди. Улар болаларнинг диққатини жалб этадиган, рангли кўринишда бўлиб, унда фавкулотда вазиятларнинг турлари ва содир бўлганда ҳаракат қилиш усуллари келтирилган.

Шу билан биргаликда бевосита болалар иштирокида фавкулотда вазиятларнинг олдини олишга бағишланган машгулотлар ҳам ўтказилмоқда. Жумладан, пойтахтимиздаги 288-мактабга таълим муассасасида институтнинг «Аҳоли ва ҳудудларни фавкулотда вазиятлардан муҳофаза қилиш» кафедраси ўқитувчилари иштирокида табиий ва техноген хусусиятли фавкулотда вазиятларда ҳаракат қилиш қоидалари бўйича машгулот олиб берилди.



Машгулот давомида болалар билан шахсий муҳофаза воситалари — газ никобларидан тўғри фойдаланиш, эвакуация қилиш жараёнлари амалий тарзда ўргатилди. Шунингдек, фавкулотда вазиятлар ҳақида кўрсатилган слайд ва фильмларни болалар катта қизиқиш билан томоша қилиб, бундай ҳолатда ҳаракатланиш ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини ўргандилар.

Ф.МИНГУЛОВА,  
Н.САИДХОНОВА,  
Фуқаро муҳофазаси институти ўқитувчилари

### САМАРҚАНД ШАҲАР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БЎЛИМИГА ҚАРАШЛИ ДОИМИЙ ҲАМДА КУНДУЗГИ ОРОМҒОХЛАРДА ТАЙЁРГАРЛИК ИШЛАРИ НИҲОЯСИГА ЕТКАЗИЛМОҚДА.

Жумладан, «Қамолот» ЁИХ шаҳар бўлими билан биргаликда маънавий-маърифий ва спорт тадбирларини ташкил этиш борасида кунлик чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

— Болажонларнинг ёзги таътилни эсда қоларли тарзда ўтказиш учун мактаблар қошида саккизта кундузги оромгоҳлар ташкил этилди, — деди шаҳар халқ таълими бўлими мудир Муҳиба Бобобекова. — Бундан ташқари, Самарқанд туманида жойлашган «Алпомиш» доимий оромгоҳида таъмирлаш ишлари тугатилиб, барча шароитлар яратилди. Ҳар томонлама қулайликларга эга бўлган оромгоҳларимиз болажонларни кутмоқда.

Ҳар бир кундузги оромгоҳга бириктирилган мактаб ўқувчилари бир мавсумда 100 нафарни ташкил этади ва ҳар бир оромгоҳда 3 мавсум давомида 300 нафар ўқувчининг мароқли дам олиши режалаштирилган. Кундузги оромгоҳлардан фарқи равишда «Алпомиш» доимий оромгоҳида эса ҳар бир мавсумда 250 нафардан жами 750 нафар ўқувчининг ҳордиқ чиқариши белгиланган.

Мазкур тадбирларнинг барчаси ўқувчиларнинг ёзги таътилни мазмунли ўтказишлари учун амалга оширилаётир. Ўйлаймизки, ҳавоси соф, тоза ва озода, салқин масканлар, бу ердаги маънавий-маърифий, спорт ва кўнгилочар тадбирлар болажонларнинг қувончига-қувонч қўшади. Уларни янги ўқув йилини янги куч-ғайрат билан бошлашларига имкон яратади.

МУХБИРИМИЗ

### ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТ МАЛАКА ОШИРИШ ИНСТИТУТИДА ТИНГЛОВЧИЛАР ФАОЛЛИГИНИ ЯНАДА ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН НОАНЪАНАВИЙ ТАДБИРЛАРНИ УЮШТИРИШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР БЕРМОҚДА.

Фанлар кесимида ўтказилган «Энг намунали дарс ишланмаси» ва «Энг яхши кўргазмалар курули» кўрик-танлови фикримиз далилидир.

Мазкур танловда барча фан курслари тингловчилари иштирок этди. Улар тайёрлаган ижодий дарс ишланмалари кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан ўрганилиб, институт босқичида қатнашиш учун энг сара ишлар танлаб олинди. Шунга асосан барча фанлардан жами 22та энг намунали ижодий иш юқори баҳоланди.

Жиззах шаҳридаги 3-мактабнинг информатика фани ўқитувчиси Жамол Исоқовнинг 9-синфлар учун тайёрлаган «MS Excel» электрон жадвалларининг имконияти равишда ва вазифалари мавзусидаги дарс ишланмаси олий ўринга муносиб деб топилди.

Шаҳардаги 17-мактабнинг рус тили ўқитувчиси Р.Бахметова ва 16-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Дилфуза Қобилваннинг бир соатлик дарс ишланмалари биринчи ўринга лойиқ кўрилди. Бахмал туманидаги 63-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси Нодира Муродова, Жиззах туманидаги 29-мактаб математика ўқитувчиси Фароғат Холтошевнинг дарс ишланмалари 2-ўринга, Жиззах туманидаги 4-мактаб жисмоний тарбия ўқитувчиси Тўлқин Маннонов ҳамда Фаллаорол туманидаги 40-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси Моҳира Эргашеванин ижодий ишлари 3-ўринга сазовор бўлди.

Пахтакор туманидаги 6-мактаб ўқитувчиси Абдурауф Эшматов, Зарбдор туманидаги 7-мактаб ўқитувчиси Урқия Сатторовлага энг яхши кўргазмалар курули йўналиши бўйича голиблик насиб этди.

Ижодий ишлар танловининг таниқли санъаткорлар билан учрашув, маҳаллий ижодкорлар билан давра суҳбати ҳамда «Маънавият кунлари»га улашиб кетиши тингловчиларда янада қизиқиш уйғотди.

А.СОДИКОВ  
Жиззах вилояти.

Меҳнат инсонни тарбиялайди ва кашф этади. Тарбиянинг ушбу омили ҳақида донишманд, олим мутафаккирларнинг битиклари кўп. Уларнинг қай бирига назар ташламанг, меҳнат ва тарбия масаласи уйғун ҳолда тасвирланади.

Дарҳақиқат, ҳар бир киши меҳнат қилиш эҳтиёжини дилдан ҳис этиб, умумий манфаат йўлида ҳалол ишлаш заруратини равшан англагандагина жамият тараққиётга юз тутади. Инсоннинг обрў-этибори, моддий фаровонлиги ҳам аввало, унинг қандай ишлаётганлиги билан белгиланиши ҳақиқат. Шу маънода болаларда фуқаролик, бунёдкорликка дахлдорлик туйғусини уйғотишда ҳам меҳнат бирламчи шартдир.

Меҳнатга муҳаббат кўникмасини бевосита меҳнатнинг ўзи орқали ҳосил қилиш жуда муҳимдир. Ҳаётга илк одимларини қўяётган чоғиданоқ болалар ўз кучи ва ақли даражасида меҳнат қила бошлайди. Унчалик мураккаб бўлмаган вазифаларни бажариш боланинг кундалик эҳтиёжга айланиб, уни боғчада ҳам, уйда ҳам қизиқиб, сидқидилдан бажарган ҳолдагина бундай меҳнат муайян тарбиявий таъсир кучига эга бўла бошлайди. Бора-бора бола унинг маънавий томонини идрок этишга ўрғанади.

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларни ақдан, руҳан тетик, жисмонан бақувват қилиб тарбиялашга йўналтирилган «Учинчи мингйилликнинг боласи» давлат дастури амалга оширилмоқда. Ана шу вазифалардан келиб чиққан ҳолда болалар меҳнат тарбиясига ижобий муносабатда бўлиш, уларга ёрдам кўрсатиш, иш натижалари билан қизиқиш, болаларнинг ўзларида ҳам меҳнат кўникмаларини ҳосил қилиш ва такомиллаштириб бориш зарур. Меҳнат жараёни болаларда ирода, қатъият, мақсадлилиқни тарбиялаб, масъулият, ғамхўрлик, меҳрибонлик, эҳтиёткорлик ва тежамкорлик хислатларини шакллантириб боради. Тадқиқотчи педагоглар болалар меҳнат фаолиятини ташкил этишнинг бир неча шаклларини қайд этишди. Узоқ йиллар мактабгача ёшдаги болалар тарбияси билан шуғулланиш, тарбиячилар ва методистлар билан биргаликда олиб борилган кузатувлар бу шаклларнинг ҳаммаси ҳам тўғри эканлигини кўрсатмоқда. Шулардан айримларига қисқача, тўхталиб ўтамиз.

**Топшириқ бериш** — мактабгача ёшдаги болаларнинг меҳнат фаолиятини ташкил этишда энг оддий шакл ҳисобланиб, у барча гуруҳларда қўл келади. Тарбиячи бир болага ҳам, бир неча болага ҳам алоҳида топшириқ бериши мумкин. Бунда боланинг ёши, укуви, қизиқиши ҳисобга олинади. Кичик ёшдаги болалар тарбиясида топшириқ шаклининг таъсири каттадир. Бу ёшда болада меҳнат фаолияти ҳали мунтазамлилик ва доимийлик касб этмаган бўлади. Кўпчилик тарбиячилар боғчага янги келган болани ўртоқларига қўшиб, жамоага ўргатишда топшириқ шакли жуда қулай эканлигини қайд этишади. Чунки бу ёшда барча болалар ҳам ҳали

ўз ташаббуси билан меҳнат қилишга кўникмаган, ўйин билан меҳнат чегарасини тўла англаб етмаган бўлиши мумкин. Топшириқ олган бола ички ҳиссиёт билан тарбиячи

билан ишлашда меҳнат топширигини ўйин билан уйғун тарзда олиб боради, болалар эса берилиб кетиб, ўйин билан меҳнат «чегара»сини англаб ололмайдилар.

Катта гуруҳдаги болаларга топшириқларнинг оддий тури қаторида улар бажаришга қурби етадиган мураккаб топшириқларни ҳам бериш мақсадга мувофиқдир. Масалан, улар кичик ёшдаги болаларга кийинишда ёрдам бериш, уларни овқатлантиришга кўмаклашиш каби ишларни қувонч билан бажаришади. Одатда бундай топшириқ олган бола ўзининг «катта»лигини ҳис қилади, ишни сифатли бажаришга интилади. Бироқ тарбиячи бу ҳолда ҳам болаларни эътиборсиз қол-

батлантириш, улар меҳнати ва ҳаракати туфайли бошқа болалар тез овқатланиб улгурганини, ҳаммаёқнинг саришталлиги кишига ёқаётганини қайд этиш катта тарбиявий таъсирга эга. Навбатчилар ўз вазифаларини палапарттиш бажарганда ёхуд камчиликларга йўл қўйганларида «майли, кейинги навбатчиликда тузатарсизлар» қабилида иш тугилмаслиги керак. Бошқа болалар билан биргаликда бу камчилик болага оғир ботмайдиган қилиб ошкор этилиши, қандай қилганда тўғри бўлиши кўрсатилиши боланинг келажақда бу камчиликларни бартараф этишга замин яратади.

Навбатчилар билан гуруҳдаги бошқа болалар ўртасида

## Tadqiqot

болаларнинг фикрини билиб олиши мумкин. Болалардан бу ишларни бажараётганида, нималарни ўйлагани ҳақида сўраб суриштириш иш жараёнининг қизгин кечишига хизмат қилади. Намунали ишларни ажратиб олиш, камчилиги бор, охирига етмаган ишларни кўрсатиш, энг қизиқарли ишларга эътибор бериш, баҳо беришни таклиф қилиш мумкин. Бироқ саволларга жавоб олаётганда ҳар бир бола аини пайтда шу жамоанинг бир аъзоси эканини ҳис қилиб туришига эришиш керак.

**Қўл меҳнати** болаларни келажақда улар танлайдиган ва шуғулланидиган меҳнат фаолиятига тайёрловчи муҳим психологик воситадир. У мактабгача ёшдаги болалар ҳаётида муҳим ўрин эгаллайди. Аини шу ёшда болаларнинг жисмонан соғлом бўлишига асос солинади, уларнинг характери ана шу даврда шаклланади.

Болалар ўйин тарихида кубикларни турли шаклда қураётганларида, лой ва қум билан ишлаганларида, қоғоздан турли шаклларни қирқиб олганларида, табиий материаллардан оддий буюмлар ясаганларида ўзлари ҳам сезмаган ҳолда техника ва меҳнат оламига кириб борадилар. Бундай машғулотларда болалар биринчи бор ҳаётда (яъни амалиётда) материалларнинг ўзига хос хусусиятларини илк бор яқиндан ҳис этади. Қандай асбоблар билан ишлаш кераклигини билиб олади, қўл меҳнати ва техник ижодиётнинг дастлабки кўринишлари билан танишади, жисм ташқи кўринишининг турли-туман шаклларда бўлишини англайди. Бундай машғулотларда болалар транспорт воситалари, уй жиҳозлари билан бевосита танишади. Усимликларни парвариш қилишнинг оддий усулларини ўрғанади.

Қўл меҳнатидан ўтказиладиган ҳар бир машғулотдан кўзланган мақсад аниқ бўлиши керак. Масалан, тугмача қадаш машғулотини олиб кўрайлик. Бу жуда оддий бўлиб кўринса-да, аслида икки мақсадни кўзлайди. Биринчи мақсад — болаларга тугмачани ҳар хил шаклда қадаш, бу ишда укувли бўлишни ўргатиш бўлса, иккинчи мақсад — болаларнинг эстетик дидини тарбиялашдир. Болалар ип, газлама ва тугмача ранглари бир-бирига мослаб олишни ўрғанадилар.

Мактабгача таълим даргоҳлари болани ҳаётга тайёрловчи, унда илк кўникмаларни ҳосил қилувчи бўгин бўлганлиги боис, ҳар бир масала эътиборда туриши лозим. Айниқса, қаламга олинган мавзу — меҳнат тарбияси ҳам илмий, ҳам назарий, ҳам ҳаётий жиҳатдан тўғри ташкил этилса, бунда болалар иштироки тўлиқ таъминланса, бу уларнинг келажақ тақдирига қутилганидек мазмун бахш этади.

Зухра ФАЙЗИЕВА,  
тадқиқотчи

# МЕҲНАТ — ТАРБИЯ ВОСИТАСИ



## мактабгача ёшдаги болада илк меҳнат кўникмалари қандай шакллантирилади?

дўстона, ўзаро ҳурмат муносабатини ўрнатиш жуда муҳим. Навбатчи ўз дўстларига хизмат қилаётганда, бошқа болалар унинг меҳнатини қадрлаши лозимлигини англашлари керак. Гарчи ҳамма ҳар турли вазифани бажарган бўлса ҳам, навбатчилик охирида болалар бир-бирларининг ишларини кузатганлари, лозим бўлса ёрдам берганлари ёки камчиликларни кўрсатиб, биргаликда тузатганлари маъқул.

**Жамоавий меҳнат** болаларда биргаликда ишлаш кўникмасини ҳосил қилиши билан жуда катта аҳамиятга эга. Олимлар, педагог тарбиячилар болаларни жамоавий меҳнатга жуда ёшлик чоғиданоқ ўргатиш кераклигини таъкидлайди.

Бу шакл боғчанинг айниқса, ўрта ва катта гуруҳларида қўл келади. Бу даврда болалар ҳаракати бир қадар қовушиб қолган, меҳнат қилиш малакалари ҳам ўсган, ўзаро муносабатлари қарор топган, биргаликда меҳнат қилишга бир қадар ўрганган бўладилар.

Болалар ишини таҳлил этиш, баҳолашда уларнинг ўзини ҳам жалб этиш катта тарбиявий аҳамиятга эга. Бунинг бир неча усуллари мавжуд. Масалан, тарбиячи савол-жавоб тарихида амалга оширилган иш ҳақида барча

ўзига нисбатан ишонч билдираётганини сезади, тенгдошлари олдида уялиб қолмасликка, бу ишончни оқлашга ҳаракат қилади. Иккинчи томондан эса топшириқ бериш билан тарбиячи зиммасига хоҳ ўзи учун, хоҳ жамоа учун бирон хизматни бажаришни юклайди. Болада масъулият ҳисси пайдо бўлади. Меҳнатга ижодий ёндашишнинг илк куртаги шу тариха ниш уради.

Тажрибали тарбиячилар болаларни жуда ёшлигиданоқ мунтазам ва тизимли равишда меҳнат қилишга ўргатиш кераклигини қайд этишади. Бу ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Айниқса, болалар бир неча кун бирон ишга жавобгарликларини ҳис қилишса, бу ҳол уларда шу ишни мунтазам бажариш учун кўникма уйғотлади. Аини шу ёшда (кичик гуруҳларда) кунига бир неча марта топшириқ олганларига қарамай, болалар кўпинча тарбиячидан ўзларига яна топшириқ беришни талаб қилишади, уни бажонидил қабул қилишади. Чунки ўз касбини севган ва болаларда меҳнатга муҳаббат уйғотишни мақсад қилиб қўйган тарбиячилар бу ёшдаги болалар

дирмаслиги, камчиликларини кўрсатиб, вазифани янада тез ва соз бажариш йўлларини галдан-галга такомиллаштириб, болаларнинг укувини ўстириб бориши керак. Вақтида ва тўғри раббатлантириб турилган болаларда исталган пайтда тарбиячининг топширигини бажаришга тайёр туриш кўникмаси пайдо бўлади.

**Навбатчилик** болалар учун уюштириладиган меҳнат фаолиятининг анъанавий шаклига айланиб улгурган. Навбатчилик галма-галдан ижро этилиб, унда меҳнат маълум даражада тақсимланади. Одатда навбатчиликка болалар аста-секин жалб этиб борилади. Навбатчи авваламбор оз бўлса-да, ўзига топширилган вазифани бажариш масъулиятини пайдо қилиши, кейин эса уни иш жараёнида такомиллаштириб бориши керак бўлади. Навбатчиликнинг ҳар хил турлари мавжуд. Масалан, тарбиячи ошхонага ёрдам бериш мақсадида навбатчилик ташкил этиши, табиат бурчагига, машғулотларга тайёрлашда ёрдам берадиганларни тайинлаши мумкин.

Навбатчилик қилаётганда болаларни сидқидилдан рағ-

Хар бир дарсим қизиқ ўтишини ва бола қалбида узоқ сақланишини, қолаверса, бу қизиқиш уй вази фасини бажарётганда ҳам тарк этмаслигини истаган ҳолда йўл тутишга ҳаракат қиламан. Дарс аввалида болалар кайфиятини кўтариш мақсадида бир неча қизиқ савол-жавоблар ёки эртакмисол кириш сўзи билан мурожаат этаман:

— Дарсда доим ким фаол?

— Топқирлар, зукколар ким?

— Дарсни ким тинглайди?

— Бир бор экан, бир йўқ экан, оч экан-у, тўқ экан, азим ва гўзал Ўзбекистонда шўх, дилкаш бола-жонлар бор экан. Улар ҳамиша дарсга ҳам, уй ишларига ҳам тайёр, куну-гун бахтиёр экан...

— Диққат, диққат! «Синфхонада она тили (ёки адабиёт) дарсини бошлаймиз, қани ким бунга ҳозир-

## КИТОБГА МЕХР ҚЎЙГАН БОЛАЛАР

Ibrat



жавоб?» тарзида. Шу асосда бошланган дарс давомида «Тўполончилар борми?», «Шовқинчилар қани?», «Ким дўстига савол бера-

ди?» каби саволлар билан ҳам уларни янада жипшлаштиришга ва дарсда фаол бўлишга ундайман.

Мана, ўқув йили ҳам ўз ниҳоясига етди, шу боис ўқувчиларга «Таътил топшириқлари» бердим. Бунда кузги, қишки ва баҳорги таътилдаги топшириқларни давом эттирган ҳолда «Энг зўр китобхон», «Баҳру байт бойчечаги», «Мақоллардан гулдаста», «Эртактлар — яхшиликка етаклар» каби ўйинлар асосида китоб билан ошно бўлиш анъанасини давом эттириш назарда тутилган. Бунинг учун ўтказилган ота-оналар мажлисларида кун тартибига қўйилган «Фарзандларингизга китоб олиб берганимиз?», «Китоб учун маошингиздан қанча ажратгансиз?», «Китобга ошнолик оиладан бошланади» каби сўровномалар асосидаги изланишлар сабаб бўлди.

5-синф ўқувчисининг қалби барча болаларникидек беғубор, пок, улар ҳали бир гунча, бу ўринда ота-она, синф раҳбари ва фан

ўқитувчиларининг ҳамкорлиги жуда ҳам керак. Шу кунгача ўқувчиларимнинг ўзаро алмашувдаги китоблар сони 42тадан ошган бўлса, «Энг зўр китобхон»лар сафи кенгайиб, ғолибларнинг махсус совғалар билан тақдирланиши ҳам болаларда янада қизиқиш ҳиссини оширмоқда. Бу борада нафақат ўзбек тилидаги, балки рус тилидаги эртактларга мурожаат ҳам кўпаймоқда. Ўқувчим Иззат Раҳматуллаев ва Рустам Назаров шу кунгача катта-кичик 300дан ортиқ эртактларни ўқиб, ўзларининг «Ўқилган китоблар рўйхати»да акс эттирган бўлса, Мадина Тўраева ва Чарос Маматқулова эса илк шеърый ижодларидан «гулдаста» ясади. Ислонжон Қаҳҳоров эса ўқиганлари асосида чизган расмларидан кўргазма ташкил этиб, синфимиз рассомига айланган. Ситора Эсонованинг Навоий ва Бобур газалларини маромига етказиб ифодали ўқиши бошқаларга ўрнак бўлмоқда. Энг муҳими, ўқувчиларнинг «Ёзги таътил — китобларга меҳр» шиори мени беҳад қувонтирди. 7-синф ўқувчиларига уй кутубхонадан китобларни ўқиш учун берганимда, улардаги иштиёқни кўриб, яна бир бора хурсанд бўлдим.

Дилбар НОРМУРОДОВА,  
Термиз шаҳридаги 11-мактаб  
ўқитувчиси

Ўқувчи-ёшларнинг мустақил фикрли, чуқур билимли, маънавий етук бўлиб камол топишида таҳсил олаётган таълим даргоҳининг ҳиссаси катта бўлади.

Наманган саноат касбхунар коллежи педагоглари ўқувчиларнинг наинки сифатли таълим олиши, балки маънавий-маърифий камол топи-

«Биз одам савдосига қаршимиз!» мавзуларида Наманган шаҳар марказий туғруқхонаси бош шифокори ўринбосари Дилрабо Шарипова ҳамда Наманган шаҳар ИИБ вакиллари Ф.Қамбаров, Б.Долимов билан ўтказилган давра суҳбати ўқувчи ўғил-қизлар учун фойдадан холи бўлмади, албатта.

## ТАДБИР ШУНЧАКИ ЎТМАСИН

ши учун ҳам бор маҳоратларини ишга солмоқда. Бу борада ўқув масканида қатор тадбирлар уюшқоқлик билан ўтказилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Айниқса, «Заковат», «Балли, йигитлар!», «Мардлар қўриқлайди Ватани», «Шунқорлар», «Қувноқлар ва зукколар», «Баркамол авлод» каби тадбирларда ўқувчилар йил давомида олган билимларини мустақамлаш билан бирга маданий ҳордиқ ҳам чиқармоқда.

Шу маънода ёшларнинг буюк аждодларимиз меросини чуқур ўрганиши, қалбларида чексиз муҳаббат уйғотиш мақсадида бадиий кечалар, кўрик-танловлар мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Ёшларни жисмонан соғлом, маънан етук этиб тарбиялаш ва тиббий маданиятни шакллантириш мақсадида «Гиёҳвандликдан ҳазар қиламиз» мавзуида ёш ҳаваскор рассомлар ўз маҳоратларини синаб кўрдилар. «Соғлом турмуш тарзи асослари ва оила»,

«Баркамол авлод йили» муносабати билан жорий йилнинг январь ойидан бошлаб коллежда кафедралар ҳафталиги эълон қилинди. Бунда ўтган йилни таҳлил этиш, янги йил режаларини тузиш, келажакка ишонч туйғуларини қарор топтириш асосий эътибордаги масаладир. Яратилаётган имкониятлардан тўғри ва унумли фойдаланиш, бўш вақтни мазмунли ўтказишни таъминлаш мақсадида ташкил этилган «Ёшлар кечаси» ҳам долзарб мавзулардаги эркин суҳбатлар билан қизиқарли ўтди.

Таълим масканимизда ҳар бир тадбир алоҳида кўтаринки руҳда ўтказилади, десак муболаға қилмаган бўламиз. Ниятимиз, сабоқ олаётган ҳар бир ўғил-қиз қалбида эртанги кунга ишонч уйғотиш, уларга юксак марраларни забт этиши учун қанот бера олишдир.

Дилдора ОТАЖОНОВА,  
Наманган саноат  
касб-хунар коллежи  
ўқитувчиси

## АМАЛИЙ СЕМИНАР

Хар бир жамиятнинг келажаги ўсиб келаётган ёш авлоднинг руҳий-маънавий қиёфаси, одоб-ахлоқига боғлиқ. Шу боис ёшлар ҳуқуқий онгини ривожлантириш, билим ва дунёқарашини бойитиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Миллий университетининг ҳуқуқшунослик факультетида «Фуқаролик процессуал ҳуқуқи фани ривожланишининг илмий-назарий аҳамияти» мавзусидаги илмий-амалий семинар талабаларнинг

бу борадаги билимларини оширишда айна мудао бўлди.

Анжуманда фуқаро ва ташкилотларнинг шахсий ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатлари ва уларнинг судда ҳимоя қилинишига доир маърузалар тингланди, мунозаралар уюштирилди. Талабалар ва ҳуқуқшунослик соҳасига қизиқувчилар саволларига мутахассислардан жавоблар олди.

Орзубек БОБОЕВ,  
ЎзМУ ҳуқуқшунослик  
факультети талабаси

## ЭКОЛОГИК МУАММОЛАР

ёш тадқиқотчи нигоҳида

Бугунги кунда инсоният ҳаёти атроф-муҳит ва экология билан ҳамбарчас боғлиқ эканлигига ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ амин бўлмоқдамиз. Шу боис атроф-муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш борасидаги қонунчиликни ривожлантириш, айниқса, ёш авлод онгу шуурида она табиатни асраб-авайлаш туйғуларини камол топтириш жуда муҳим. Таълим муассасаларида «Атрофимиздаги олам», «Табиатшунослик», «Экология» каби фанларнинг ўқитилиши ҳам худди шу мақсадни кўзлайди.

Мудофаа вазирлиги қошидаги 171-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Мафтуна Ҳакимова-нинг экологик тарбияни ёшлар онгида шакллантириш масалаларига бағишланган

«Ekologiya va atrof-muhit» деб номланган ихчамгина китобчаси ёш муаллифнинг бу борадаги олган назарий билимлари маҳсули, десак, адашмаймиз.

Ёш тадқиқотчи китобида глобал экологик муаммолар хусусида фикр юритаркан, уларни келтириб чиқараётган сабабларни таҳлил этишга, оқибатларини ўсмирларча теран мушоҳада қилишга уринади. Экологик хавфсизлик, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш борасида ҳар бир инсонда керакли даражада масъулият ҳисси уйғонишини масаланинг муҳим ечимларидан бири сифатида таъкидлайди.

Китобни варақлаган ўқувчи мазкур илмий иш кел-



гусида кенг қўламли бошқа тадқиқот мавзуларига асос бўлишини сезиши мумкин.

Ёш тадқиқотчига илм йўлидаги иштиёқни сўнмаслигини, келажакда долзарб мавзуларда бундан-да чуқурроқ ва кенгроқ изланишлар олиб боришини тилаб қоламиз.

Дилшод КАРИМОВ

## ЯНГИ ЛОЙИХАДА 173та МТМ

Сурхондарё вилоятида мактабгача таълим муассасаларида тарбия бериш сифатини тубдан яхшилаш орқали болалар қамровини оширишга эришилмоқда. Бунда маҳаллалар билан ҳамкорликда отоналар ўртасида тушунтириш ишлари олиб бориш кенг қўлланма тарзда ташкил этилди. Албатта, ҳар бир ота-она боласининг мактабга тайёр ҳолда бориши ва келажакда баркамол бўлиб улғайишига ҳаракат қилади.

Вилоятдаги маҳаллий шароитдан келиб чиқиб, Термиз давлат университети психология кафедраси билан ҳамкорликда «Мактабгача таълим муассасаларида миллий ўйинларнинг психологик ривожлантирувчи функциялари» муаллифлик дастури асосидаги тажриба-синов ишлари ижобий натижалар бераётгани эътиборлидир.

Воҳадаги 18та МТМда амалга оширилган тажриба-синов ишлари оммалаштирилди. Бунинг учун тарбиячилар уйма-уй юриб, миллий ўйинларни тўплашди. Уларга сайқал бериб, болалар учун мослаштиришди.

Қумқўрғон туманидаги 2-МТМ мудираси Санам Қобилова бобо-момоларимиздан ўрганганлари асосида «Болалигимдаги ўйинларим» услу-

### Jarayon

бий қўлланмасини яратишга эришди. Шу асосда туманда «Миллий ўйинлар фестивали» ўтказилди. Унга нафақат соҳа ходимлари, балки бутун аҳоли жалб қилинди.

Тўпланган тажрибаларни кенгроқ ёйиш мақсадида ўтган йили Шўрчи туманидаги 2-, 3-, 9-, Қумқўрғондаги 2-МТМда «Мактабгача таълим муассасаларида инновацион жараёнлар ва тажриба-синов ишларини бошқариш ва мувофиқлаштириш» мавзусида Республика семинари ўтказилди.

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва барча вилоятлардан келган мутахассислар бу ерда тўпланган тажрибаларни ўрганиб кетишди.

Бундан ташқари, вилоятдаги 173та МТМ Жаҳон банки лойиҳасига киритилди. Унга кўра, Денов, Шўрчи, Шеробод, Бойсун, Қумқўрғон, Термиз, Ангор, Жарқўрғон, Музработ, Қизирқи туманларидан 24 нафар педагог-фасилитаторлар танланиб, Республика МТМ ходимлари малакасини ошириш, қайта тайёрлаш ва республика ўқув-методика марказида тажриба олиб келишди. Эндиликда мазкур мутахассислар ўрганганлари асосида жойлардаги кичкинтойлар масканларида иш олиб боришмоқда.

Айниқса, бта дискдан иборат методик қўлланмадан кенг фойдаланилган.

Вилоят ХТБнинг маълумот беришича, иккинчи босқичда ушбу муассасаларга жиҳоз ва болалар ўйингоҳлари берилиши режалаштирилган.

Норкуват Тўраев,  
«Ma'rifat» мухбири

## БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ «НОМБУЗАРЛИК»

### Биринчи курс.

- Ассалому алайкум, Башоратхон.
- Яхшимисиз, Шаҳнозабону?
- Раҳмат. Дам олиш кунни сизларни роса соғиндим. Курсдошлар келишдимми?
- Ҳа, Шалоло, Нилуфар, Бегзод, Дониёр, Ареватлар шу ерда.
- Юринг, бўлмаса, дарсга чиқамиз. Та-наффусга беш дақиқа қолибди.

### Иккинчи курс.

- Озош, дарс қаерда бўлади?
- Учунчи қават, 42-хонада.
- Фалсафадан анталогияни уйга берганмидилар?
- Ҳа, бугун Камош маъруза қилиши

лик қилаверса, «исмини кўтаролмабди», «исми оғирлик қилибди» ибораларини ишлатамиз. Аждодларимиз ҳам азал-азалдан фарзандга исмининг тўғри қўйилиши унинг яхши яшashi, ўзидаги кўлаб қобилиятларни тўлиқ шакллантира олишида муҳим аҳамият касб этишига қаттиқ ишонишган. Буни улар исм ва шахс хусусиятларининг бирлиги, яъни, масалан, Қобил исмли одамда мўмин-қобиллик хислатларининг борлиги, Жамиланинг, чиройли бўлиши билан асослашга уринишган.

Лекин ҳозирда русум бўлаётган, ҳеч қандай маъно билдирмайдиган узук-юлуқ исмларни қандай ҳазм қилиш мумкин? Мана, масалан, «Шоҳрух» исмидаги

за), Дина (Динора), Мая (Мубо-рак), Миша (Муҳаммад, Махид), Саша (Собир)ларни келтириб ўтади.

Айтиш керакки, исм шахсият, алоҳида ўзига хосликнинг биринчи асоси. Ушбу асосни бузиш эса шахсни ҳурмат қилмасликнинг битта кўринишидир. Зеро, Э.Бегматов хулоса қилиб айтганидек, «бундай номбозлик», «номбузарлик» ҳаракати она тилига, қолаверса, рус тилига ҳам ҳурматсизликдир».

Янада чуқурроқ мулоҳаза қилинса, масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Бундан бир неча йил олдин газетада битта

### Mulohaza



# ИСМ — ИНСОН ҲУСНИ

керак эди. Юр дарсга.

— Мен ҳозир. Зуҳиш, Сануш, Нилуш, Дониқ келсин, кейин чиқаман.

### Учинчи курс.

- Нилу, привет.
- Саломчик, Зуҳи.
- Сану бугун келдимми? У менга бугун ёзма иш олиб келиши керак эди.

— Сануни билмадим-куя, Озо, Дони, Шалулар шу ерда.

### Тўртинчи курс. Телефондаги суҳбат.

- Салют, Нил (Нилуфар).
- Салом, бунча эрта турибсан, Шах (Шаҳноза).
- Ҳа, эрта турдим. Бугун дарсга борасанми?
- Ўзинг-чи?
- Мен ўйлаб турибман. Лекин Сан (Санобар), Кам (Камола), Дон (Дониёр), Озо (Озода)лар боришаркан. Биз ҳам бора қолайлик.
- Ҳа, бўпти, ҳозир тураман.

### ҲЕЧ ҚАНДАЙ МАЪНО ЙЎҚ...

Бола дунёга келар экан, ота-она ёки яқинлари бор орзу-умидларини исмга боғлаб, унга ном беришади. Чунки исм унинг бир умрлик йўлдоши, бошқалардан ажратиб туришига хизмат қиладиган восита, миллатини билдирувчи белги ҳамдир. Баъзида чақалоқ кўп касал бўлса, инжиқ-

«Шоҳ», «Бекзод»даги «Бек» маъно бериши мумкин, аммо «Садриддин»ни «Садри», «Роҳила»ни «Роҳи» дейишганида ҳеч қандай лексик маъно бермайди. Бу унинг руҳиятига таъсир қилмайдими?

### ҚИЗИНИ «ГИПОТЕНУЗА» ДЕБ АТАГАН ОТА

Маълумки, инглизча исмларнинг аксарияти бир бўғинли сўзлардир: Жек, Боб, Энн, Бред, Кейт. Баъзида бугун ўзбекча исмларнинг ҳам қисқартириб айтилиши замирида аслида хорижга тақлид йўқми-кан, деб ўйлаб қоламан. Шаклдаги тақлид-ку майли-я, оҳанг, ўқилиши ҳам бошқача бўлиб кетаётганига нима дейсиз? Мисол учун, Дилрабони «Дил» дейишади. Бу ўзбек тилидаги қалб, юракнинг синоними «дил» эмас, балки «дилер» сўзидаги «дил»дай ўқилади. Ахир, бу ўзбек тили фонетикасининг ҳам бузилиши эмасми?

Э.Бегматовнинг «Ўзбек исмларининг маъноси» китобида шундай дейилади: «Исмлар ва уларнинг миллий шакллари-га лоқайдлик билан муносабатда бўлиш баъзи ўзбекча номларнинг русча бузилган шаклини «ижод қилиш»да ҳам кўринади». Асарда муаллиф фикрининг исботи сифатида Алик (Алишер), Гуля (Гулнора, Гулнисо), Диля (Дилрабо, Дилно-

хабар ўқигандим. Унда ёзилишича, математикани жуда яхши кўрган битта одам мазкур фан атамаларини фарзандларига исм қилиб қўйган экан. Ёдимда қолгани, қизининг исми Гипотенуза эди...

Мени ажаблантирган томони шундаки, қулоққа ёққан ҳамма ном ҳам исм бўлаверадими? Ҳозирда баъзи бир ўзбек оилаларида ҳам бу каби ҳолатни кузатяпмиз. Уларнинг ўғилларига Ринат, Марат, Даниэль, қизларига эса Клара ва Карина исмлари берилган. Фарзандларининг ўртоқлари — Альберт, Эдуард, Света, Луиза.

### ХУЛОСА ЎРНИДА

Ҳалигача ўзлаштирилган исмлардан тўла воз кечилмаган бўлса-да, юқоридаги каби ҳолатлар билан биргаликда кейинги йилларда болаларга кўпроқ ўзбекча исмлар қўйиш урфи қайтаётгани қувонарли ҳол, албатта.

Шу боис агар ўзга тилдаги сўзлардан ноўрин фойдаланиш она тилининг бузилишига олиб келса, бошқа миллат исмларини ўзлаштириш ўзгиримизга, миллийлигимизга даҳл қилишини ҳар биримиз доимо ёдда тутмоғимиз даркор.

Санобар ЖУМАНОВА,  
«Ma'rifat» мухбири

# ЁЗГИ ОРОМГОҲЛАР

## унда тарбиячилар маҳорати ва масъулияти муҳим

**Ўқувчиларнинг таътил кунларини мазмунли ўтказиш-да мактаблар қошидаги ҳамда шаҳардан ташқаридаги оромгоҳларнинг аҳамияти катта. Шу боис бу йилги мавсумга тайёргарлик кўриш, уни мазмунли ўтказишга Жиззах вилоятида пухта ҳозирлик кўрилмоқда.**

— Бу йил вилоятимизда мактаблар қошида ташкил этиладиган кундузги оромгоҳларда 3850 нафар ўқувчи қамраб олиниши режалаштирилган, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси давлат таълим стандартлари мониторинг бўлими мутахассиси Зоир Сатторов. — Ёз мавсумида шаҳардан ташқарида 16та оромгоҳ фаолият кўрсатади. Зомин, Фориш, Жиззах туманларининг энг сўлими ва хушманзара масканларида жойлашган мазкур оромгоҳлар ўқувчиларнинг янги ўқув йилига ҳар жиҳатдан тайёр боришига хизмат қилади.

Оромгоҳларда бевосита болалар билан ишлайдиган бош етакчилар, тарбиячилар, мусиқа, жисмоний тарбия ва тўғарак раҳбарларининг маҳоратини ҳар томонлама ошириш долзарб масалалардан-дир. Шу боис вилоят халқ таълими бошқармаси ҳамда таълим ва фан ходимлари вилоят

касаба уюшмаси кенгаши раёсатининг қўшма қарори қабул қилинди. Ана шу қарорга асосан барча турдаги оромгоҳларда фаолият кўрсатадиган тарбиячиларнинг 2 кунлик ўқув машғулотлари ташкил этилди. «Ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида ўқув-тарбиявий ишларни ташкил этиш» мавзусида ўтказилган қисқа муддатли курс машғулотлари Жиззах вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида бўлиб ўтди.

Ёзги оромгоҳларда ўқувчиларнинг ҳар томонлама кўнгилли дам олишини ташкил этиш нафақат таълим ходимларининг, балки кўпгина мутасадди ташкилотларининг ҳам муҳим вазифаси ҳисобланади. Мавсум давомида оромгоҳларда электр энергиясидан тўғри фойдаланиш, ёнғин хавфсизлигига риоя қилиш, санитария-гигиена тартибларини ўрнатиш, фавқулодда ҳолат-

ларга тайёр туриш каби муҳим жиҳатларни унутмаслик керак. Ўқув машғулотида иштирок этган мутасадди ташкилотларнинг мутахассислари асосий эътиборини ана шу жиҳатларга қаратиб, ўзларининг зарур кўрсатма ва тавсияларини бердилар.

— Ёзги оромгоҳларда ўқувчиларнинг дам олишини ташкил этишда жисмоний тарбия машғулотларининг ўрни алоҳида, — дейди Бахмал туманидаги 50-мактаб жисмоний тарбия ўқитувчиси Шерали Маматов. — Ўқувчилар ўртасида турли мусобақалар ўтказиш, оммавий ўйинлар ташкил этиш уларда катта қизиқиш йўғотади. Бугунги машғулотда бу борада кўпроқ нималарга эътибор бериш кераклиги ҳақида тавсияларга эга бўлдик.

Тадбир давомида оромгоҳларда оммавий тадбирлар, бадий ҳаваскорлик тўғараклари, маънавий ўқишлар, уруш ва меҳнат фахрийлари, шоир ва ёзувчилар билан қизиқарли учрашувларни ташкил этиш борасида қимматли фикрлар ўртага ташланди. Ўқувчиларни диққатга сазовор жойларга олиб чиқиш, ўлкашунослик

музейларига бориш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, оромгоҳларда турли спорт ва техник тўғаракларни йўлга қўйиш ўғил-қизларнинг зеркиб қолишига йўл қўймайди. Бу борада вилоят Ўқувчилар саройи, Техник ижодиёт маркази, ЭКОСАН ташкилоти ўзининг қимматли маслаҳатларини берди.

Ёз мавсумида вилоятдаги кўплаб мактаблар қошида кундузги оромгоҳлар ташкил этиш режаси ишлаб чиқилган. Айни кунда ана шу оромгоҳларда фаолият кўрсатадиган бош етакчилар, мусиқа, жисмоний тарбия ва тўғарак раҳбарлари тажриба ва маҳоратларини ошириб бормоқда.

Институтнинг амалий фанлар кафедраси мудир, доцент Урол Маҳмудовнинг айтишича, қисқа муддатли ўқув курсини ўтаган тингловчиларга махсус сертификат берилди. Бир сўз билан айтганда, вилоятда ёзги оромгоҳларни мавсумга тайёрлаш, уларни малакали кадрлар билан таъминлашга жиддий ёндашилмоқда.

А.СОДИКОВ,  
«Ma'rifat» мухбири

Халқ таълими соҳасида малака оширишнинг буюртмали тизими асосида, ўқув машғулотлари мазмуни ва методларини тингловчиларнинг эҳтиёжларига мувофиқ бўлишини таъминлаш орқали, ходимлар касбий тайёргарликлари даражасини ва илмий салоҳиятини оширишга йўналтирилган тадбирларни амалга ошириб боришмоқда.

Юртмаси лойиҳасини тайёрлаб, туман (шаҳар) ХТБга тақдим қилиши лозим. Малака ошириб келган педагог кадрларнинг ҳисоботларини ташкил қилиш, уларнинг курсдан кейинги фаолияти самарадорлигини ўрганиб бориш ҳам ушбу тузилманинг ҳозирги долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

# БУЮРТМАЛИ МАЛАКА ОШИРИШ

## педагогнинг касбий эҳтиёжларига хизмат қилади

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2005 йил 1 декабрдаги 35-СХ-сонли «Халқ таълими тизими раҳбар ва педагог ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг самарали тизимига босқичма-босқич ўтиш ҳақида»ги буйруғи асосида халқ таълими ходимлари малакасини оширишни такомиллаштириш йўналишларидан бири сифатида 2006 йилдан бошлаб буюртмали малака ошириш тизими амалга жорий қилинди.

Педагог кадрларнинг касбий диагностикасини ташкил қилиш асосида таълим муассасасини ривожлантириш истиқбол режасига мувофиқ педагог кадрларнинг эҳтиёжига кўра мақсадли малака оширишларини ташкил қилишга қаратилган буюртмаларни шакллантириш ва туман (шаҳар) методика кабинетига тақдим қилиши талаб этилади.

Маларни тўплаш, умумлаштириш ва тегишли малака ошириш институтига тақдим қилиши керак. Буюртмаларнинг ўз вақтида бажарилиши устидан назоратни олиб бориш улар эътиборидаги жирид масалалардан биридир.

Хисобланадиган таълим муассасалари ўз буюртмаларини жорий йилнинг 1 сентябргача туман (шаҳар) ХТБларига, улар 1 октябргача худудий ХТБларга, улар 1 ноябргача тегишли ПҚҚТМОИларга, улар 1 декабргача шу буюртмалар асосида ўзларининг 2011 йил иш режаларини шакллантириб, ХТБга тасдиқлаш учун тақдим қилишлари керак. Шу муддатларга қатъий риоя қилиш талаб этилади.

Иститутда малака ошириш курслари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2009 йил 6 июлдаги 179-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Халқ таълими раҳбар ва педагог ходимлари малакасини ошириш курсларининг қайта ишланган таянч ўқув режалари»га мувофиқ ўтказилади.

Буюртмали малака ошириш тизими педагоглар ўқувининг мақсадли олиб борилишига ва шу асосда машғулотлар мазмуни ва методларининг замонавий талаблар даражасида бўлишига хизмат қилади. Буюртмали малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини ташкил қилиш юзасидан ҳозиргача бир қатор меъёрий ҳужжатлар, йўриқнома, методик тавсиялар ишлаб чиқилиб, амалга жорий қилинди.

Мақтаб фан методика бирлашмалари. Педагогларнинг касбий диагностикасини турли усулларда олиб бориш, натижаларини таҳлил қилиш асосида малака оширишга тавсиялар бериш ҳамда ўқитувчиларнинг узлуksиз малака ошириш жараёни самарадорлигини таъминлаш юзасидан керакли ёрдамлар кўрсатиши зарур.

Малалака ошириш институти. Навбатдаги йилда ташкил қилиш мўлжалланаётган малака ошириш курслари тўғрисидаги маълумотлар лойиҳасини буюртмачиларга олдиндан етказиш, улардан тегишли таклифлар ва буюртмаларни жамлаш, таҳлил қилиш, умумлаштириш асосида малака ошириш курсларини режалаштириши мақсадга мувофиқ. Шу режалар ўрна-тилган тартибда тасдиқлангандан кейин буюртмачиларга етказиши, қолаверса, буюртмаларни бажариш жараёнида буюртмачилар билан тегишлича икки томонлама ахборот алмашиб бориш ҳам муҳим омил бўлади.

А.Авлоний номидаги Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институтида вилоят ПҚҚТМОИлари профессор-ўқитувчилари малакасини ошириш курслари ижтимоий, табиий, аниқ, тиллар ва бошқа фанлар мутахассисликлари бўйича гуруҳларга ажратилади.

Умумий ўрта таълим мактаб директорлари малакасини ошириш курсларига буюртмаларда уларни мутахассислик фанлари бўйича ҳамда янги тайинланган (1 йилгача стажли) мактаб директорларини алоҳида, ёш (3 йилгача стажли) мактаб директорларини умумий ўрта таълим мактаб директорлари (буюртмаларда қуйидаги гуруҳларга ажратилади):

Буюртма бўйича малака ошириши белгиланган ходим ўзининг қачон малака ошириш курсида ўқишидан аввалроқ хабардор бўлиши, унга зарур тайёргарликларни кўриш ва курсга мақсадли келиш имкониятини бериб, курс машғулотларида тингловчиларнинг фаоллигини ҳамда машғулотларнинг самарадорлигини таъминлайди.

Педагог кадрлар. Малака ошириш бўйича ўз эҳтиёжларини касбий диагностика, яъни мутахассислик фани назарияси ва уни ўқитиш методикаси, педагогика, психология, миллий ғоя ва маънавият асослари, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш, инновацион фаолият ва бошқа йўналишлар бўйича ўз тайёргарлиги даражасини аниқ белгиланган ҳолда ундаги бўшлиқларни барта-раф этиш чораларини кўриб бориши мақсадга мувофиқ.

Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, буюртмали малака ошириш тизими институт томонидан олдиндан аниқланган эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда ўқув курси фаолиятини сифатини ташкил этиш имкониятини беради.

Умумий ўрта таълим мактаб директорлари малакасини ошириш курсларига буюртмаларда уларни мутахассислик фанлари бўйича ҳамда янги тайинланган (1 йилгача стажли) мактаб директорларини алоҳида, ёш (3 йилгача стажли) мактаб директорларини умумий ўрта таълим мактаб директорлари (буюртмаларда қуйидаги гуруҳларга ажратилади):

Тингловчиларнинг ўзлаштириш назорати Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2006 йил 21 июлдаги 187-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш сифатини назорат қилиш тартиби тўғрисида» намунавий Низом»га мувофиқ амалга оширилади.

Малака ошириш буюртмасини шакллантириш бўйича ишлар сифатини янада ошириш учун ХТБнинг тегишли буйруқлари билан белгиланган қуйидаги вазифаларнинг вақтида бажариб борилиши талаб қилинади:

А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОИда 2011 йилда ўтказиладиган малака ошириш курслари ва уларга худудлар бўйича тингловчиларнинг мавжуд маълумотлар асосида белгиланаётган сони 1-иловада, шу курсларга буюртмаларни расмийлаштириш шакли 2-иловада берилмоқда.

Булардан ташқари институтда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2005 йил 1 декабрдаги 35-СХ-сонли «Халқ таълими тизими раҳбар ва педагог ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг самарали тизими»га босқичма-босқич ўтиш ҳақида»ги буйруғи асосида муаммоли, мақсадли, муаллифлик, педагогик ҳамда ахборот-коммуникацион технологияларни ўрганиш курслари ташкил эти-

Таълим муассасалари. Таълим муассасасининг раҳбар ва педагог кадрлари малака ошириши бўйича йиллик ва истиқбол режаларини ишлаб чиқиши, уларга зарур ўзгартиришлар киритиши бўлиш ҳамда, бажарили-

Туман (шаҳар) методика кабинетлари. Таълим муассасаларида педагог кадрларнинг касбий диагностикасига методик раҳбарлик қилиб, унинг натижаларини умумлаштириши ва малака ошириш бў-

Малалака ошириш институти. Навбатдаги йилда ташкил қилиш мўлжалланаётган малака ошириш курслари тўғрисидаги маълумотлар лойиҳасини буюртмачиларга олдиндан етказиш, улардан тегишли таклифлар ва буюртмаларни жамлаш, таҳлил қилиш, умумлаштириш асосида малака ошириш курсларини режалаштириши мақсадга мувофиқ. Шу режалар ўрна-тилган тартибда тасдиқлангандан кейин буюртмачиларга етказиши, қолаверса, буюртмаларни бажариш жараёнида буюртмачилар билан тегишлича икки томонлама ахборот алмашиб бориш ҳам муҳим омил бўлади.

Умумий ўрта таълим мактаб директорлари малакасини ошириш курсларига буюртмаларда уларни мутахассислик фанлари бўйича ҳамда янги тайинланган (1 йилгача стажли) мактаб директорларини алоҳида, ёш (3 йилгача стажли) мактаб директорларини умумий ўрта таълим мактаб директорлари (буюртмаларда қуйидаги гуруҳларга ажратилади):

Тингловчиларнинг ўзлаштириш назорати Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2006 йил 21 июлдаги 187-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш сифатини назорат қилиш тартиби тўғрисида» намунавий Низом»га мувофиқ амалга оширилади.

Буюртмали малака ошириш тизими педагоглар ўқувининг мақсадли олиб борилишига ва шу асосда машғулотлар мазмуни ва методларининг замонавий талаблар даражасида бўлишига хизмат қилади.

Мақтаб фан методика бирлашмалари. Педагогларнинг касбий диагностикасини турли усулларда олиб бориш, натижаларини таҳлил қилиш асосида малака оширишга тавсиялар бериш ҳамда ўқитувчиларнинг узлуksиз малака ошириш жараёни самарадорлигини таъминлаш юзасидан керакли ёрдамлар кўрсатиши зарур.

Малалака ошириш институти. Навбатдаги йилда ташкил қилиш мўлжалланаётган малака ошириш курслари тўғрисидаги маълумотлар лойиҳасини буюртмачиларга олдиндан етказиш, улардан тегишли таклифлар ва буюртмаларни жамлаш, таҳлил қилиш, умумлаштириш асосида малака ошириш курсларини режалаштириши мақсадга мувофиқ. Шу режалар ўрна-тилган тартибда тасдиқлангандан кейин буюртмачиларга етказиши, қолаверса, буюртмаларни бажариш жараёнида буюртмачилар билан тегишлича икки томонлама ахборот алмашиб бориш ҳам муҳим омил бўлади.

Умумий ўрта таълим мактаб директорлари малакасини ошириш курсларига буюртмаларда уларни мутахассислик фанлари бўйича ҳамда янги тайинланган (1 йилгача стажли) мактаб директорларини алоҳида, ёш (3 йилгача стажли) мактаб директорларини умумий ўрта таълим мактаб директорлари (буюртмаларда қуйидаги гуруҳларга ажратилади):

Тингловчиларнинг ўзлаштириш назорати Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2006 йил 21 июлдаги 187-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш сифатини назорат қилиш тартиби тўғрисида» намунавий Низом»га мувофиқ амалга оширилади.

### А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОИ 2011 йил учун Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2005 йил 1 декабрдаги 35-СХ-сонли буйруғига мувофиқ малака ошириш курсларига буюртмалар қабул қилади

№	Тингловчилар тоифалари	сон	Шундан:													
			ҚҚР	Андажон	Бухоро	Жиззах	Навоий	Наманган	Самарқанд	Сурхандарё	Сурхондарё	Тошкент ви.	Тошкент ш.	Фарғона	Хоразм	Қашқадарё
1	Худудий ПҚҚТМОИ профессор-ўқитувчилари	100	8	7	10	4	4	8	10	4	8	10	7	8	6	6
2	ҚР ХТБ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТБ ҳузуридаги Таълим маркази раҳбарлари ва методистлари	25	3	1	1	1	1	2	2	1	2	2	2	2	2	3
3	Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали ходимлари ва туман бўлими мутахассислари	25	2	2	2	1	1	2	2	1	2	2	2	2	2	2
4	"Ёшлар" кўнрали спорт жамияти вилоят кенгаши ходимлари	25	2	2	2	1	1	2	2	1	2	2	2	2	2	2
5	Туман(шаҳар) ХТБ мудирилари	50	4	4	4	2	2	3	4	2	4	5	3	5	4	4
6	Туман(шаҳар) ХТБ раҳбар кадрлари захираси	100	8	8	8	4	4	6	8	4	8	10	6	10	8	8
7	Туман(шаҳар) ХТБ методика кабинети мудирилари	50	4	4	4	2	2	3	4	2	4	5	3	5	4	4
8	Туман(шаҳар) ХТБ мутахассислари	100	13	12	8	4	3	10	10	3	8	7	8	7	3	4
9	Туман(шаҳар) ХТБ фанлар бўйича методистлари	200	20	20	16	8	8	16	20	8	15	16	8	20	10	15
10	Худудлардаги тахсис марказлари раҳбарлари	50	5	5	3	2	3	3	5	2	4	4	3	5	2	4
11	Худудлардаги тахсис марказлари касб-ҳунарга йўналтирувчилари	25	1	2	2	2	2	2	3	1	2	2	1	1	1	3
12	Худудлардаги тахсис марказлари дефектологлари	25	3	3	2	2	1	1	2	1	1	2	2	2	2	1
13	Худудлардаги тахсис марказлари психологлари	50	4	4	4	3	3	4	4	3	4	3	3	4	3	4
14	Умумий ўрта таълим мактаб директорлари (буюртмаларда қуйидаги гуруҳларга ажратилади):															
	- янги тайинланган (1 йилгача стажли) мактаб директорлари															
	- ёш(3 йилгача стажли) мактаб директорлари															
	3 йилдан ортиқ стажли мактаб директорлари, мутахассислик фанлари бўйича алоҳида гуруҳларга ажратилади, шу жумладан:															
	- ўзбек, қорақалпоқ, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман тиллари	2800	240	240	180	170	110	200	345	100	245	240	50	240	160	260
	- рус тили															
	- инглиз, немис, француз, испан, араб, ҳинд ва бошқа тиллар															
	- тарих															
	- математика-информатика															
	- физика															
	- кимё															
	- биология															
	- география															
	- бошланғич таълим															
	- меҳнат															
	- низомчилик ва тасвирий санъат															
	- мусиқа															
	- жисмоний тарбия															
	- бошқа фанлар															
15	Иختисослаштирилган, айрим фанлар чуқурлаштириб ўқитиладиган мактаб ва мактаб-интернат директорлари	75	5	8	5	4	3	6	7	3	5	1	5	9	7	7
16	Болалар мусиқа ва санъат мактаблари директорлари	101	7	9	6	6	4	5	12	4	5	12	10	10	5	6
17	Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари директорлари	125	10	14	10	7	5	10	14	5	5	10	10	10	8	7
18	Ўқувчилар саройи, болалар ва ўсмирлар ижодий марказлари директорлари	75	6	7	6	5	3	4	7	5	5	6	4	7	5	5
19	Ўқувчилар техник ижодий марказлари директорлари	30	2	2	1	1	1	3	3	1	3	2	2	6	1	3
20	Ёш табиатшунос ва экологлар марказлари директорлари	25	4	2	2	1	2	2	2	1	2	1	4	4	2	2
21	Ёш сайёқчилар ва ўқашунослик марказлари директорлари	20	2	1	1	1	1	1	2	1	3	1	2	1	3	3
22	Қар, заиф эшитувчи болалар мактаб-интернатлари бошланғич синф ўқитувчилари	30	2	2	2	4	2	2	2	2	2	2	4	2	2	2
23	Қар, заиф эшитувчи болалар мактаб-интернатлари она тили ва адабиёт ўқитувчилари	30	2	2	2	4	2	2	2	2	2	2	4	2	2	2
24	Қар, заиф эшитувчи болалар мактаб-интернатлари нутқ ўстириш(якка машғулот) ўқитувчилари	26	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2
25	Қар, заиф эшитувчи болалар мактаб-интернатлари математика таълими ўқитувчилари	26	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2
26	Қар, заиф эшитувчи болалар мактаб-интернатлари меҳнат таълими ўқитувчилари	30	2	2	2	4	2	2	2	2	2	2	4	2	2	2
27	Қар, заиф эшитувчи болалар мактаб-интернатлари тарбиячилари	26	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2
28	Қўзи ожиз болалар мактаб-интернатлари она тили ўқитувчилари	22	2	2	2	2	2	2	4					2	2	2
29	Қўзи ожиз болалар мактаб-интернатлари математика ўқитувчилари	22	2	2	2	2	2	2	4					2	2	2
30	Қўзи ожиз болалар мактаб-интернатлари мусиқа ўқитувчилари	22	2	2	2	2	2	2	4					2	2	2
31	Қўзи ожиз болалар мактаб-интернатлари биология ўқитувчилари	22	2	2	2	2	2	2	4					2	2	2
32	Қўзи ожиз болалар мактаб-интернатлари тарих-география ўқитувчилари	22	2	2	2	2	2	2	4					2	2	2
33	Қўзи ожиз болалар мактаб-интернатлари коррекция фанлари (хасса, мўлжал олиш, бармоқ туйиш ва майда кўл моторикасини ривожлантириш) ўқитувчилари	22	2	2	2	2	2	2	4					2	2	2
34	Қўзи ожиз болалар мактаб-интернатлари коррекция фанлари(тифлотехника, тифлография) ўқитувчилари	22	2	2	2	2	2	2	4					2	2	2
35	Ердэмчи мактаб, мактаб-интернат бошланғич синф ўқитувчилари	28	2	2	2	2	2	1	2	1	2	2	4	2	2	2
36	Ердэмчи мактаб, мактаб-интернат она тили ва адабиёт ўқитувчилари	26	2	2	2	2	2	1	2	1	2	2	2	2	2	2
37	Ердэмчи мактаб, мактаб-интернат математика ўқитувчилари	25	2	2	2	2	2	1	2	1	2	2	2	2	1	2
38	Ердэмчи мактаб, мактаб-интернат меҳнат таъ															

# ТАЪТИЛДА ҲАМ ТИЛ ЎРГАНИШАДИ

Бугунги кунда ёшлар орасида хорижий тилларни пухта эгаллашга бўлган қизиқишнинг ортиб бориши ушбу фанлардан сабоқ бераётган педагоглар зиммасига катта масъулият юклайди. Шунининг олган ҳолда, коллежимизда чет тилларини пухта эгаллаш мақсадида ўқувчиларга таътилда ҳам машғулотлар ўтилади. Ушбу

### Sinab ko'ring

машғулотларни янги педагогик технология асосида ташкил этиб, ўқувчиларни тўғаракларга кенг жалб қилишда ўқитувчи-педагоглар астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Машғулотларни анъанавий ўқитиш усулидан фаркли ўларок, ўқувчиларни жуфт-жуфт ёки кичик гуруҳларга бўлган ҳолда ташкил этиш ўз ижобий самарасини беради. Бунда ўқувчиларнинг нутқ фаолияти ривожланиши тезлашади ва дарсда фаол иштироки таъминланади. Ўзлаштириши паст ўқувчи ҳам партадо-

шига қараб фаол бўлишга интилади. Бу усул орқали машғулоти давомидида ортиқча шовқин-суроннинг олди олинади. Яъни, ёнма-ён ўтирган ўқувчи бир-бири билан паст овозда ҳам машқларни такрорлаши мумкин. Ўқитувчи бу усулни қўллашда пухта режа асосида аниқ ва

лўнда, ўқувчи диққатини жалб қила оладиган ўйинлардан фойдаланиши мақсадга мувофиқ. Айрим ўқувчилар тортинчоқлик қилиб машқларни бажаришда иштирок этмай қолиши мумкин. Шунда ўқитувчи ўқувчилар бир-бирларига кўмаклашган ҳолда, ҳамжиҳатлик билан берилган вазифани бажаришлари лозимлигини таъкидлаб ўтади.

Машғулоти давомидида кўшимча сифатида тўғарак аъзоларига расмга қараб ҳикоя тuzиш, таянч сўзлар иштирокида матн ёзиш каби вазифалар бериб, лугат билан ишлаш кўникмаси шакллантирилади. Машғулоти якунида

ўқитувчи томонидан топшириқни биринчи ва қизиқарли бажарган гуруҳни рағбатлантириш орқали кейинги машғулотида барча гуруҳ аъзоларининг фаол иштирокига эришилади.

Таътил бошланган бўлса ҳам ўқувчиларимиз тил ўрганишни қанда қилмайдилар. Бунинг учун илм масканимизда барча шароитлар етарли. Синф хоналар замонавий компьютер, лингафон, кўргазмали қуроллар билан жиҳозланган.

Мамлакат АЛМАТОВА,  
Тошкент банк коллежи  
ўқитувчиси



## ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Шарқ ва Фарб мамлакатлари тиллари, адабиёти, тарихи, маданияти, халқаро муносабатлари, хорижий шарқ давлатларидаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнлар ривожланишини ўргатувчи Марказий Осиё худудидаги энг йирик ва таниқли олий ўқув юрти ҳисобланади.

Тошкент давлат шарқшунослик институтидида бугунги кунда 10та таълим йўналиши ва 12та магистратура мутахассисликлари бўйича таҳсил олиш мумкин. Куйида 2009 - 2010 ўқув йилида институтни мазкур таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича давлат гранти ва тўлов-контракт асосида битираётган талабалар ҳақидаги маълумотлар вилоятлар кесимида берилмоқда. Институт раҳбарияти давлат муассасалари раҳбарлари ва кадрлар масаласи билан шуғулланувчи масъул бўлимлардан ҳамкорлик ўрнатишлари ва вакант иш ўринлари ҳақида маълумот беришларини сўрайди.

### Бакалавриат

T/p	Таълим йўналишлари		Битирувчилар сонин			Қорақалпоғистон Республикаси		Андижон		Бухоро		Жиззах		Навоий		Наманган		Самарқанд		Сурхондарё		Сirdарё		Тошкент вил.		Фарғона		Хоразм		Қашқадарё		Тошкент ш.		Бошқа давлатлар		
	коди	номи	Ҳами	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт			
		<b>ТошДШИ</b>	800	177	623	2	2	2	13	4	23	-	3	3	5	7	15	3	27	4	14	1	5	15	36	10	29	1	9	7	16	118	426	-	-	
1	5220700	Мумтоз Шарқ филологияси	34	9	25	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	2	2	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	1	-	-	1	1	5	21	-	-
2	5220100	Шарқ филологияси	230	54	176	1	-	-	1	1	6	-	-	1	-	3	3	1	4	2	4	-	-	5	12	1	6	-	1	4	5	35	134	-	-	
3	5220200	Тарих (Марказий Осиё халқлари тарихи)	33	7	26	-	1	-	-	1	4	-	1	1	-	-	-	-	4	-	-	-	-	-	2	1	1	-	-	-	2	4	11	-	-	
4	5220200	Тарих (Хорижий мамлакатлар тарихи)	29	10	19	-	-	-	-	-	1	-	-	-	-	1	-	2	-	-	-	-	-	1	-	2	1	-	4	1	2	6	8	-	-	
5	5220300	Фалсафа	20	10	10	-	-	-	-	1	1	-	-	-	-	1	-	1	1	1	1	1	-	-	-	2	-	-	-	-	1	6	4	-	-	
6	5220400	Диншунослик	54	15	39	-	-	1	2	-	-	-	-	1	-	3	-	5	1	2	-	-	3	4	1	3	1	-	1	-	7	19	-	-		
7	5220500	Халқаро муносабатлар	82	10	72	-	-	-	2	-	4	-	1	-	-	-	-	5	-	1	-	2	1	5	-	3	-	3	-	2	9	44	-	-		
8	5310100	Синёсатшунослик	60	15	45	-	-	-	1	1	1	-	-	1	-	1	1	1	-	-	-	-	-	2	-	1	-	-	-	-	13	37	-	-		
9	5341000	ХМИ ва М	132	34	98	-	1	-	2	-	1	-	-	1	2	3	1	3	-	3	-	-	3	4	1	5	-	1	-	2	27	72	-	-		
10	5341100	ЖИ ва ХИМ	126	13	113	1	-	1	5	-	5	-	1	1	2	-	1	-	2	-	4	-	2	2	7	1	8	-	-	1	6	76	-	-		

### Магистратура

T/p	Мутахассисликлар		Битирувчилар сонин			Қорақалпоғистон Республикаси		Андижон		Бухоро		Жиззах		Навоий		Наманган		Самарқанд		Сурхондарё		Sirdарё		Тошкент вил.		Фарғона		Хоразм		Қашқадарё		Тошкент ш.		Бошқа давлатлар	
	коди	номи	Ҳами	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт		
		<b>ТошДШИ</b>	145	26	119	-	1	-	1	1	2	-	-	-	-	1	-	3	-	1	-	1	-	3	-	2	1	1	1	2	23	101	-	-	
1	5a220102	Лингвистика	24	4	20	-	1	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	-	-	-	-	1	4	17	-	-	
2	5a220101	Адабиётшунослик	13	4	9	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	4	8	-	-	
3	5a220104	Адабий манбашунослик ва матншунослик	7	2	5	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	-	-	-	-	-	-	2	4	-	-	
4	5a220202	Хорижий мамлакатлар тарихи	13	2	11	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	2	11	-	-		
5	5a220202	Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқотлар методлари	13	2	11	-	-	-	1	-	-	-	-	-	-	-	-	1	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	2	8	-	-		
6	5a220313	Фалсафа	8	2	6	-	-	-	-	1	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	-	1	-	-	-	1	4	-	-		
7	5a341001	ХМИ ва мамлакатшунослик	26	4	22	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	1	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	4	20	-	-			
8	5a341002	Марказий Осиё ва Қозғистонни тадқиқ қилиш	6	1	5	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	-	5	-	-		
9	5a342501	Корейшунослик	1	-	1	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	-	-	-		
10	5a342401	Хитойшунослик	4	1	3	-	-	-	-	1	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	2	-	-		
11	5a220502	Халқаро муносабатлар	20	2	18	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	-	-	-	1	-	1	-	2	15	-	-		
12	5a310104	Халқаро тизимлар ва глобал ривожланишнинг сиёсий муаммолари	10	2	8	-	-	-	-	1	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	-	-	-	-	-	-	-	-	2	6	-	-		

**Греklar бир ривоятни авлодлардан авлодларга сўзлаб юришади: эмишки, яхшилик худоси Афина қизлари билан қайикда номаълум томонга кетаётса, бир каптар унга новда келтириб, у эгилган томонга сузишларини ишора қилади. Бунга амал қилган Афина ва болалари соғ-саломат қуруқликка етиб олиб, новдани экишади ва дастлаб унинг барглари билан озиқланади. Шу-шу ҳамон бу юртда зайтун хосиятли дарахт саналади. Жумладан, айни пайтда анъанага айланган Олимпиада ўйинлари голибларига айнан рамзий маънодаги зайтун новдаларидан тайёрланган гулчамбарлар тақиб келинади. Дарҳақиқат, зайтуннинг шифобахш ва сермахсул неъматлар ҳада этишини тиббиёт аллақачон исботлаган. Энг эътиборлиси, зайтун мойи кимёвий таркибига кўра она сутига яқин. Унда инсон саломатлиги учун фойдали бўлган юздан ортик модда бор экан.**

Зайтун мойи юрак-томир касалликлари, қон босимининг кўтарилишига қарши ижобий таъсир этади. Жигар фаолияти, ўт пуфагидан сафро ажралиб чиқишини яхшилади. Бунинг учун эрталаб оч қоринга бир чой қошиқдан ичиш тавсия этилади. Шу тарзда лимон шарбати билан аралаштириб қабул қилиш эса овқат ҳазм қилиш аъзоларида учрайдиган лямбля-гижжалардан халос этади. Ундан тайёрланган таомларни мунтазам истеъмол қилиш кўкрак саратони касаллигига чалиниш миқдорини 35 фоизга камайтиради экан. Зайтун мойининг бу каби шифобахш хусусиятлари хусусида узок сўзлаш мумкин.

Айни пайтда унинг барги таркибида ҳам минерал тузлар, органик кислоталар, ёғ кислотаси, нордон ва организмни фаоллаштирувчи ва дезинфек-

исботлади.

Биз Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети бош биносининг кичик боғида олима томонидан экилиб, анчагина бўй чўзиб қолган зайтунларни кўриб, бунга яна бир бора амин бўлдик. Дилором Ёрматова билан уюштирган суҳбатимиз ҳам зайтун ва уни парваришlash мавзусига қаратилди.

**— Зайтун қандай йўллар билан кўпайтирилади?**

— Бу ўсимлик уруғлари, қаламчалари, бакчалари ва пайвандлаш йўли билан кўпайтирилади. Экишга ажра-

ди. Чунки илдизлари мустаҳкамланиб, пастки қатламлардаги намни ўзлаштиради. Нам юқори бўлса, касалликка учраши мумкин. Соя-салқин жойни хушламайди.

Зайтун ривожланиш босқичининг гул шингилларини ҳосил қилиши, мева тугиши ва мева шаклланиши паллаларида ва ёз ойлари давомида сувга қондирилиши лозим. Дарахтларни гуллаш даврида сугориш тавсия этилмайди. Шўрланган тупроқларда ёмғир ёғаётган пайтда сугориш энг яхши агротехник тадбирлардан саналади. Бунда тупроқдаги мавжуд тузларнинг ўсимлик илдизлари жойлашган горизонтларга тарқалиб кетишининг олди олинади.

**— Ерга ишлов бериш ва ўғитлашда нималарга эътибор қаратмоқ жоиз?**

— Кузда мева йиғиб олинган сўнг 20 сантиметр чуқурликда ерга ишлов берилади. Баҳорда дарахт гулга киришдан аввал 15 сантиметргача ер юзасининг юмшатилиши сув илдизига яхши етиб боришига ёрдам беради. Ёзда эса намликни сақлаш учун 10 сан-

ҳужайраларида озиқ моддалар захирасини керагича тўплаб олишига имкон яратади. Чунки зайтун барглари тўқма-са-да, маълум миқдорда ўсимликда тиним даври кузатилади.

Ёзги иккинчи буташда узун шохлар ҳосил бўлиши билан олиб ташланади, аёнки, улар ҳосил шох бўрмай, ўсимликнинг бор қувватини «сўрувчи»дир. Ноябрьнинг охирида қишки иккинчи буташ ўтказилиб, бунда икки томондан кучли ҳосил новдалар қолдирилади ва узун ўсувчи ҳосилсиз шохлар қирқиб ташланади. Дарахт чўққисидagi новдаларнинг қирқиб ташла-



# ЗАЙТУН

тилган меваларининг мағзи ва эти қушларга едирилади ёки сувга ивйтиб қўйилади. Аҳамият бериш керакки, қушлар чўқиб кетган мевалардан кўқарган новдалар бақувват бўлади. Уруғларни намли тупроққа экиб, кўкартириб, кейин новдаларидан 20-25 сантиметрлик қаламчалар тайёрлаб экилади. Пайванд қилиш энг яхши натижа бериб, дарахтнинг ҳосилга кириши тезлашади.

Зайтун мутлақо тупроқ танламайди. Лекин ер ости сувлари яқин майдонларга экиш тавсия этилмайди. Дарахти турли ташқи шароитларга ўта чидамли бўлгани боис, озгина пўсти тирик бўлса, шу жойдан новда чиқариб ҳосил бераверади. Бир гектар ерга 350-400 туп кўчат ўтказиш мумкин. Экишдан олдин ер ҳайдалиб, минерал ўғитлар берилса, ҳосилдорлик ортади.

Дастлабки йилларда кўчатлар орасига маккажўхори, соя, бугдой экиш самарадорликни оширади. Бўйининг баландлиги 1,5 метр бўлгандан бошлаб шакл бериб борилади. Лекин шуни унутмаслик керакки, зайтун экишда унинг атрофидаги дарахтларга эътибор қаратмоқ шарт. Уни шафтоли, анор ва доривор ўсимликлар, шунингдек, помидор, картошка, қовун, кулупнай, гўзадан узокроққа экиш керакки, зайтуннинг илдизлари юзада жойлашгани боис касалликларни тез сезиб, зарарланиши эҳтимолдан холи эмас.

Зайтун дарахтининг хусусиятларидан яна бири, унинг узок умр кўришидир. У бир жойда бир неча аср мева бериши мумкин. Мустаҳкам, бақувват илдизга эга бўлгани боис тупроқни сел ювиши, эрозия ва ёгингарчиликлардан асрайди.

**— Сувга талабчанлиги қай даражада?**

— Экилгандан сўнг дастлабки уч йил давомида 5-6, тўртинчи-бешинчи йилларда 2-3 марта, кейин эса мутлақо сугорилмаса ҳам, қишин-ёзин ям-яшил тусга кириб ўсавера-

тиметрдан оширмай, ер юзаси қайта юмшатилади. Ёш зайтунзор боғларга суперфосфат ва калий сульфати ўрта ҳисобда йилига бир килограммдан февраль ойида солинади. Органик ва кимёвий ўғитлардан фосфор куз фаслида дарахтлар ёнидаги махсус қазилган чуқурларга солинади. Бу чуқурларни ҳар йили ўзгартириб туришни унутмаслик даркор.

Шунингдек, қиш давомида шу чуқурларга маҳаллий ва минерал ўғитлар солиб борилади. Азотли ўғитлар миқдори мартдан июнгача кўпайтириб борилади, сентябрга келиб тўхтатилади. Чунки қиш олдида новдаларнинг ўсиши тўхташи керак. Фосфорли ўғитлар февраль-июнь, калийлилари июнь-сентябрь ойларида берилади. Агар бу ўғитларнинг вақтида ва меъёрида берилишига аҳамият берилмаса, дейлик, тез ўсиш кўп новдаларни ҳосил қилиши барг ҳажмининг кичиклашуви, барг тепа қисмининг қуриши ва сап-сарик тусга киришига, меваларининг эса кичрайиб, йиғиб олишдан олдин тушиб кетишига сабаб бўлади.

**— Дарахтнинг тўғри ўсишини таъминлашда вақтида буташ муҳим агротехник тадбирлардан саналади. Шундай эмасми?**

— Кўчат ўтқазилганининг биринчи ёзида ундан жуда кўп новдалар ўсади, яъни бир туп ўсимлик 12-14тагача ён шохлар ҳосил қилади. Новдаларнинг бўйи 16-20 сантиметргача етганида, улардан 6-8 донаси танланиб, қолганлари қирқиб ташланади. Ён шохларининг кўпайиб кетиши асосий поянинг ўсиши сустлашишига сабаб бўлади. Бу ёзги биринчи буташ саналади. Сентябрь ойининг охирида келиб олдинги қолдирилган новдалардан тахминан тўрттаси танлаб олинади. Икки новда ўртасидаги масофа 15 см.дан ошмаслиги керак. Сўнгра узунлиги 35-45 см.га қисқартирилиб, қолган новдалар кесилади. Қиш олдида шу тахлит тўғри шакл берилиши, қолдирилган новдаларнинг ўз-

ниши учинчи ёзги буташ бўлиб, бунда дарахтнинг бўйига узун ўсиб кетмаслиги, керакмас новдаларнинг йўқотилишига эътибор қаратилади. Шунингдек, қуёш дарахт ораларига яхши тушиши учун қуриган, бир-бирига зичлашиб кетган шох ва новдалар ҳосилдорликни ошириш мақсадида ёз ойларида бутаб борилади.

Зайтун 100-120 ёшга етганда дарахтни ёшартириш мақсадида 5 метрдан узун бўлган асосий шохларни, томирлардан бирини янгилаш мақсадида тупроқ остидан 70 сантиметр бўлган шохларни кесиш каби тадбирлар ўтказиб борилади.

**— Зайтунга қандай зараркундалар «ҳужум» қилиши мумкин? Унинг аломатлари қай тарзда аниқланиб, қандай курашилади?**

— Яшил мевалар устида тўқ қирмизи рангли доғларнинг пайдо бўлиши мева пўсти ҳашаротларининг «оралагани»дан хабар беради. Буни даф этиш учун февраль ойида дарахтлар буталгандан сўнг минерал мойлар сепиш керак. Зайтун мевасини зарарловчи ургочи пашша эса мевада кичик тешиклар ҳосил қилиб, унга тухум қўяди ва мевада бугдой рангли доғ пайдо қилади. Бу меванинг чириши ва тушиб кетишига олиб келади. Агар шу ҳолат кузатилса, мевалар пишиб етила бошлаган даврда дориланади. Бу усул орадан 21 кун ўтгач, такрор қўлланилади. Узунлиги 2-2,5 сантиметр бўлиб, сариқ тук билан қопланган, зайтун яшил барг курти дея аталувчи ҳашарот анчагина хавфли саналиб, у янги чиққан барг ва ўсимликларни еб, меваларга ҳам зарар етказиши мумкин. Агар у учрагудек бўлса, июннинг ярмидан бошлаб дорилаш ишлари олиб борилади.

Бу тадбирлар айни пайтда пахта курти, пўстлоқ ҳашаротлари, зайтун барги курти сингари ҳашаротлардан ҳам бир йўла халос бўлиши имкониятини беради. Тўқилган, зарарланган мевалар 0,5 м. чуқур

қазиб кўмилади. Мева теримидан сўнг яна ҳашаротлар пайдо бўлмаслиги учун боғ бос-тириб сугорилади.

**— Суҳбатимиз давомида ҳар бир хонадон ўз боғига ҳеч бўлмаса, икки-тўрт туп зайтун экса, рўзгорини сифатли мой билан таъминлаши мумкин, деган хулосани айтиб ўтдингиз. Меванинг пишиб етилганини қандай билиш мумкин? Қандай йиғиштирилади ва ёғи олинади?**

— Зайтун мевасини тузлаш режалаштирилса, ранг олишдан аввал узилади. Бунда тар-

кибидаги ишқор кетгунича содали сувга солинади ва 4-5 кунда суви алмаштириб турилади. Мевалар яхши тўйинганда, тузли сувга солиб, бочкаларга бостирилади.

Мой олиш мўлжалланганда эса тўлиқ пишиб тим қора рангга кирганда қўлда, машинада, махсус мосламаларда, таёқ билан қоқиб, териб олинади. Меванинг пишганини қўлга олиб сиқиб кўриш орқали ҳам билса бўлади. Агар сиқилганда қўлда мой дончалари кўринса, демак, ҳосил фарқ пишган. Терилган мевалар 4-6 фоизли туз эритмасига солиб, сўнгра пресланса (сиқилса), мой тўлиқ ажралиб чиқади.

Биринчи олинган мой энг сифатли маҳсулот ҳисобланади. Мевалар октябрда тўлиқ пишади. Шуниси эътиборлики, пишиб тўқилган меваларда мой миқдори юқори бўлади.

**— Зайтун субтропик ўсимликлар сирасига кирди. Уни қишнинг совуғидан қандай асраш мумкин?**

— Мутахассисларимиз қайд этган — худудимизда 105 йилдан сўнг такрорланган 2007 йилнинг қишки совуғидан бухоролик бир киши боғидаги зайтун дарахтларини соғ-саломат олиб чиқибди. Бугун нафақат Сурхондарё, балки Андижон, Фарғона вилоятларида ҳам зайтунзорлар барпо этилмоқда. Учкўприк туманидаги «Меҳригиё» фермер хўжалигида зайтун баргидан шифобахш дамламалар тайёрланапти. Демак, озгина эътибор, меҳр билан уни ҳар қандайин об-ҳаво шароитидан ҳимоя қилиш мумкин. Масалан, ота-боболаримиз қўллаган оддий бир усул — дарахт атрофини 15 сантиметрлик қалинликдаги гўнг билан ўраб қўйиш ҳам изғиринда «кўрғон» вазифасини ўтай олади.

Зайтун мойи бoshқа мойларга қараганда организмизда 98 фоиз ҳазм бўлади. У дунёда энг доривор ва сифатли мой сифатида тан олинган. Шундай экан, зайтун экайлик, уни меҳр билан парваришлаб, бу меҳнат ва унинг роҳатини фарзандларимизнинг ҳам қалбига жо этайлик.

**— Суҳбатингиз учун раҳмат.**

**Ойбуви ОЧИЛОВА суҳбатлашди.**



цияловчи моддалар мавжуд. Юқори қон босимини, қондаги қанд моддасини меъёрлаштиришда янги узилган зайтун барги қайнатмасини илиқ ҳолда эрталаб ва кечқурун яримта лимон шарбати ва бир қошиқ зайтун ёғи аралашмасини истеъмол қилгандан сўнг икки ҳафта давомида ичиш ғоятда фойдали экани мутахассислар томонидан далилланган...

Ана шундай экологик жиҳатдан тоза ва саломатлигимиз учун ниҳоятда зарур бўлган зайтунни авлодларимиз қачонлардир мамлакатимиз худудида ҳам етиштиришганими? Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор **ДИЛОРОМ ЁРМАТОВА** ана шу саволга жавоб излаб, йиллаб кутубхоналардаги адабиётларни варақлади. Ўн бешинчи асрда яшаб ижод қилган ал-Хоразмийнинг асарларидан бирида зайтун ва ток парвариши хусусидаги битикларидан бoshқа бу хусусда бирор-бир маълумот топа олмади. Унда ҳам бу ўсимлик қаерда етиштирилгани ҳақида тўхталинмаган эди. Зайтуннинг хосиятлари, парвариши ҳақидаги илмлардан бохабар олима эса уни республикаимизда етиштириш мумкин эканига ишонарди. Олима ана шундай яхши ният билан 2002 йили бошланган тадқиқотлар асосида мазкур ўсимликни республикаимиз худудида етиштириш мумкинлигини амалда

Австралия — ўзгача табиатга эга қитъа. Айниқса, у ернинг кенгуру каби ажойиб жонзоди дунёга машхур. Унинг яшаш тарзи, ўзига хос тузилиши бошқа юрт одамларининг «яшил қитъа»га интилишига сабаб бўлса ажабмас. Кенгурулар олами билан яқинроқ танишар эканмиз, янада қизиқарли, айни пайтда, антиқа маълумотларга дуч келамиз.

## АФСОНАГА ЎХШАШ ҲАҚИКАТ

«Википедия» электрон манбасида берилишича, кенгуру илмий таснифга кўра, ҳайвонот дунёсининг хордалилар тури, сутэми-зувчилар оиласига кирувчи жонивордир. Унинг латинча номи — *Marsupus*. Бу гуруҳ вакиллари Австралия, Янги Гвинея ва унга яқин оролларда учратиш мумкин. Ушбу ажойиб жонзотлар ҳақида биринчи марта Австралиянинг шимоли-шарқий соҳилига борган машхур саёҳатчи Жеймс Кук ўз ёдгорликларида ёзиб қолдирган.

Кенгурунинг номланиши антиқа воқеа билан боғлиқлиги ҳақидаги афсона анча кенг ёйилган. Унда айтилишича, Жеймс Кук Австралияга борган пайтида абориген (туб аҳоли вакили)дан узокдан кўриниб турган ҳайвоннинг номини сўрайди. У эса Кукнинг гапини туншунмай, ўзининг она тилида «кенгуру», яъни «тушунмадим» деб жавоб беради. Шу тариқа Кук бошқа қитъа одамларига номаълум бўлган бу жониворни юқоридаги ном билан атайди.

1770 йилда юз берган мазкур воқеа ҳақида Жеймс Кук экспедицияси аъзоси Жозеф Бэнкс ҳам ўзининг кундаликларида ёзиб қолдирган:

— Биз у ерда ҳайвонларни жуда кам кўрдик. Кўзга кўринган бир нечталарини овладик. Энг каттасини маҳаллий аҳоли «кенгуру» деб номлашар экан. Мен кўрган, ўқиган ва эшитган барча жонзотлардан фарқ қиладиган бу жониворни бошқа сутэмизувчилардан бемалол ажратса бўлади. У тез югуради, тўғрироғи, олди оёқларини буккан ҳолатда кўкрагига яқин қўйиб, орқа оёқлари билан сакрайди. Ҳатто, този итим ҳам уларни қувиб етолмади.

Таъкидлаш лозимки, кенгурунинг номланиши тўғрисидаги «афсона»ни замонавий лингвистик тадқиқот ҳам тасдиқлади. «Кенгуру» сўзи ҳақиқатан ҳам «кангуру» ёки «гагуруис» сўзидан олинган бўлиб, у Австралиянинг маҳаллий — пама-ньонг оиласига кирувчи гууруймидхирек тилига тегишлидир.

## РЕКОРДЧИ ЖОНИВОР

Аёнки, кенгурунинг халтаси бошқа жонзотлардан асосий фарқли жиҳати ҳисобланади. Унинг танасидаги ўзига хос «ҳамён»и боласини кўтариб юриш учун мўлжалланган. Шу билан бирга, кенгурунинг тузилиши, табиати ҳам ўзгача. Масалан, унинг пастки жағлари ичкари томонга қайрил-

## Tabiat va biz



# КЕНГУРУ — «ТАПИНТИЗНИ ТУШУНМАДИМ»

ган ва бу қозик (сўйлоқ) тишлари овқат чайнашда иштирок этмайди. Тана ҳарорати 34-36,6 даража атрофида бўлиб, оғирлиги 20 кг. гача боради.

Кенгуру рекордчи жонзот сифатида ҳам шуҳрат топган. Бу унинг сакрашида эришган «натижалари» туфайлидир. Эътиборлиси, тана тузилиши ҳам шунга мос равишда шаклланган. Унинг бақувват орқа оёқлари, йирик думи, энсиз елкалари, кичкина, аммо тузилиши одамникига ўхшайдиган қўли бор. Кенгуру сакраганда иккита оёғи бирга ҳаракатланиб, тисарилиш натижасида баланд сакрайди, танасининг бутун оғирлиги эса думига тушади. Бошқача айтганда, узун ва оғир думи сакраганда тана мувозанатини сақлашга хизмат қилади.

Маълумотларга қараганда, кенгуру салкам 17 метр узунликка, салкам 3,5 метр баландликка сакраш қобилиятига эга экан. Қизиқарли жиҳати, у юрмайди, сакрайди. Сакраш унинг ҳаракатланиш усули ҳисобланиб, ўртача ҳисобда соатига 48 км. тезликда ҳаракатлана олади. Энг гигант ҳисобланган кенгурулар белгиланган масофани соатига 70 км. тезликда босиб ўтар экан. Одатда эса соатига 20 км. тезликда ҳаракатланади. Бу ҳам қопчикли жониворларга та-

биатнинг берган инъомидир.

Яна шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, кенгуру сакрашни ҳаракатланиш воситасига айлантирган ягона жонзотдир. Бу одат уларнинг сув ва овқат қидириб тез-тез ҳаракатланиши кўп масо-

сиб ўтиши билан изоҳланади. Кенгуру асосан ўтхўр ҳайвондир. Эътиборлиси, у саҳро туяси каби бир ойдан кўпроқ вақт мобайнида сувсиз ҳам яшай олади.

## ТУР ВА ТАБИАТЛАР ХИЛМА- ХИЛЛИГИ

Австралия — катта қитъа. Унинг турли бурчакларида хилма-хил об-ҳаво ва табиий шароит кузатилади. Мутахассислар «яшил қитъа»нинг шу жиҳати кенгуру турларининг кўпайишига таъсир қилган асосий омиллардан бири, деган фикрда. Манбаларда келтирилишича, табиатда

ёввойи ит — динго таҳдид солиши мумкин.

«Катталарнинг кичиги», бошқача айтганда, улканлар ичида тана жиҳатидан энг кичкинаси бўлган тоғ кенгуруси валлабу деб аталади. Дунё аҳли фақат 1932 йилга келибгина кенгурунинг баъзи турлари, хусусан, валлабу тоғли жойларда яшашини ва уларнинг сони кўп эмаслигидан хабар топган. Бу турдаги кенгуру ўта тажовузкор ҳисобланади. Шунинг учун уни деярли қўлга ўргатиб бўлмайди.

## ҚОПЧИҚМИ, БЕШИК?

Маълумки, кенгуру Австралиядоги ягона қопчикли жонивор эмас. Лекин ҳайвонот дунёсида сакраб ҳаракатланувчи бошқа жонзот йўқ. Шунинг учун уни австралияликлар «сакровчи» деб аташади. Уларнинг туғилиши, озикланиши, шаклланиши ҳам ўзига хосликлар билан ҳайрон қолдиради одамни.

Она кенгурунинг ҳомиладорлик муддати бир ой, баъзида бир неча ҳафтани ҳам ташкил қилади. Янги туғилган кенгуру боласи аввалига жуда кичик бўлади. Ҳатто энг катта кенгуру боласининг оғирлиги ҳам бир неча граммни ташкил этади, тана тузилиши эса мутлақо ўзгача бўлади. Олдинги қўллари катта ва оёқлари кичик бўлган, кенгуручалар онаси ёрдамида халтага эмаклар киради ва унда 9 ой яшайди. Шу вақт мобайнида у фақат она сути билан озикланади. Қолаверса, янги туғилган кенгурунинг иммунитет тизими жуда заиф бўлади. Она сути эса кучли антибактериал хусусиятга эга бўлиб, уларнинг соғлом ўсишини кафолатлайди.

Бир сўз билан айтганда, кенгуруларнинг фақатгина урғочиларида мавжуд бўлган қопчик кенгуру боласининг бешиги ҳам ҳисобланади.

## У НОДИР, АММО НОЁБ БЎЛМАСИН!

Австралия ўз гербиде фақат шу мамлакатдагина мавжуд бўлган иккита жониворни акс эттирган ягона давлат. Бу ҳайвонларнинг бири туяқуш, иккинчиси кенгурудир. Уларни давлат рамзи сифатида танлаш орқали мамлакат табиатининг бетакрорлиги, бошқа жойда мавжуд бўлмаган мўъжизанинг акс этиши билан бирга, инсониятни ушбу жониворларни ардоқлашга ундов ҳам мужассам. Лекин бугунги кунда мазкур жонзотларнинг асраб-авайлаши билан боғлиқ бир талай муаммолар ҳам йўқ эмас.

Ҳозирги кунда Австралия ҳукумати томонидан кенгурулар ови ва савдоси бўйича квота эълон қилинганга қарамай, улар ҳамон кучли таъқиб остида қолмоқда. Ҳозирда бу турдаги ҳайвонлар сони Австралия қитъаси бўйича 6,9 миллионни ташкил қилмоқда. Тўғри, «Қизил китоб»га киритилган баъзи жонзотлар сонига таққосланганда бу анча яхши кўрсаткич. Лекин бундан бир неча ўн йиллар олдинги ҳолат билан солиштирилса, ҳалталиларнинг камайиб кетаётгани аққол кўринади. Бу эса табиатнинг нодир мўъжизаси ҳисобланмиш кенгуруларни доимий асраб-авайлаш кераклигига яна бир ишора. Токи улар ўта ноёб ҳайвонлар сирасига тушиб қолмасин.

Санобар ЖУМАНОВА  
тайёрлади.

**Фарзандларингиз ақлли ва соғлом бўлишини истайсизми? У ҳолда уларни телевизордан узоқроқ тутишга ҳаракат қилинг. Ҳайрон бўлманг, бунинг сабаби оддий: телевидение болаларнинг ақлий ва жисмоний ривожланишига узоқ муддатли салбий таъсир кўрсатар экан.**

Сан-Жустин (Италия) университети тадқиқотлар маркази, Монреаль (Канада) ва Мичиган (АҚШ) университетлари олимлари хавотирга асос бўлувчи натижаларни эълон қилди. Уларнинг бир неча йил давомида мазкур йўналишда олиб борган изланишининг батафсил баёни «Педиатрия архивлари ва ўсмирлар тиббиёти» (Archives of Pediatrics & Adolescent Medicine) журналида берилган.

Мақолада айтилишича, тадқиқотчилар 2 ёшдаги болалар учун «зангори экран» салбий таъсир кўрсатишини аниқлашган. Оқибатлар эса турлича бўлиши мумкин; дарсларни ёмон ўзлаштиришдан тортиб зарарли одатларни орттириб олишгача.

— Болаларнинг телевизор олдида ўтказадиган меъёридан ортиқча ҳар бир соат уларда фанларга қизиқишни сусайтиради, хусусан, математика бўйича ўзлаштиришнинг оқсашига олиб келади. Бунинг устига «кўнгилочар қутича»ни эртаю кеч томоша қилишга муккасидан кетган кичкинтойларда ортиқча вазн кузатилади, чунки улар кам ҳаракатли ҳаёт кечиради ва телевизор кўриш жараёнида бетартиб равишда фойдали деб бўлмайдиган озиқ-овқат маҳсулотларини ҳам кўп истеъмол қилади, — дейди бу борада Монреаль университети профессори Линда Пагани.

Аслини олганда, тадқиқот

лланиши учун ўта муҳим давр ҳисобланади, — дея огоҳлантиради доктор Пагани. — Ушбу даврнинг аксарият қисмини

этсак:

— мактаб ҳаёти, ўқиш ва фанларга қизиқиш 7 фоизга камайган;

таъкид-  
лайди  
Линда Пагани

Sharh



## «ЗАНГОРИ ЭКРАН» — ГҲДАК СОҒЛИГИГА ЗАРАР

мақсади телевизор кўришнинг 2 ёшгача бўлган болаларга, уларнинг келгусидаги академик ўзлаштириш даражасига, яшаш тарзи ва умумий саломатлик ҳолатига таъсирини ўрганишдан иборат эди. Тадқиқотчи Пагани 2 ва 4 ёшлар оралиғида бўлган болакайлар учун ҳатто қисқа вақт мобайнида ҳам телевизор кўриш уларнинг ривожланишига путур етказишини таъкидлади.

Болаларнинг ривожланиш масалаларига қаратилган узоқ муддатли мазкур лойиҳа тажрибасига Квебек (Канада)даги 1314 нафар кичкинтой жалб этилди. Қолаверса, 2—4,5 ёш бўлган бу болакайлар «зангори экран» олдида қанча пайт бўлиши ҳақида ота-оналаридан ҳам сўраб-суриштирилди. Кейинчалик ўқитувчилар томонидан уларнинг ўқишдаги муваффақиятлари, психологик ҳолати ва жисмоний соғлиги баҳоланди. Тана вазни эса 10 ёшда ўлчанган.

— Болаликнинг дастлабки даври бош миyaning ривожланиши ва хулқ-атворнинг шак-



телевизор олдида ўтказиш нохушликларга олиб келмайди, деб айтиб бўлмайди. Энг ачинарлиси, гарчи Жаҳон педиатрлари ассоциацияси томонидан ишлаб чиқилган аниқ тавсияларга қарамай, амалда ота-оналар бу каби йўриқнома ва қоидалар борлиги ҳақида мутлақо хабарсиз эканини намойиш этмоқда. Уларда эса хусусан, 2 ёшгача бўлган болалар кунига икки соатдан ортиқ «зангори экран» қаршисида ўтириши тақиқланган.

Шу ўринда бевосита кичик ёшдан турли телекўрсатувларни кўп томоша қилиш фарзандларнинг кейинги ҳаётида қандай оқибатларга олиб келиши ҳақидаги изла-нишлар хулосасига мурожаат

— математика фанидан ўзлаштириш 6 фоизга тушган (айни пайтда мутлоаа қилишга салбий таъсир сезилмаган); — дам олиш кунлари ёки бўш пайтлардаги жисмоний фаоллик даражаси 13 фоизга пасайган;

— зарурат бўлмаганда ҳам овқатланиш ҳолатлари 10 фоизга ошган;

— умумий тана вазни 5 фоиз ортган.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, тадқиқот натижалари, бироқ кичик қамровли қатор алоҳида-алоҳида изланишлар сўнггида олинган маълумотларни яна бир бор тасдиқлади. Айна мазкур тажрибанинг ўзига хослиги — унда масалага ҳар тарафлама ёндашилган, аниқроғи бир пайтнинг ўзида ижтимоий, тиббий ва оила билан боғлиқ кўплаб омилларнинг мажмуи эътиборга олинган.

— Ота-оналар бир нарсани сира ёддан чиқармасликлари керак: телевизор кўриш ҳаракатсиз ҳолатда бўлиш демакдир. Шунинг учун фарзандларнинг унга муккасидан кетишини олдини олиш зарур, — деб

— Қолаверса, болакайларнинг «зангори экран» томошаларига сарфлайдиган вақтини қисқартириш уларда ўсмирликда кузатилиши мумкин бўлган интеллектуал ва жисмоний эринчокликнинг шаклланишига йўл қўймаслик мақсадида амалга оширилган муҳим қадам ҳисобланади. Сабаби мантиқан олиб қараганда, кичик ёшда болалар асосан когнитив, яъни болаш, идрок этиш қобилияти, хулқ-атвор ва ҳаракатни шакллантирадиган бирон-бир ривожлантирувчи фаолият билан банд этилиши лозим. Телевизор кўриш эса буларнинг барчасига сарфланиши зарур бўлган вақтни қамраб олади.

Эътиборлиси, аввалига мутахассислар эрта ёшдан телевизорни томоша қилишга иштиёқ бола улғайгач, сусайиб боради, деган фикрда эдилар. Аммо 7,5 йиллик тажрибалардан сўнг маълум бўлдики, кун сайин экран болани тобора кўпроқ ўзига «боғлаб» олар экан. Кичкинтойларни чалғитиш ёки катталарга халақит бермаслиги учун «кўнгилочар қутича»нинг «қули»га айлантириш ярамайди.

Шундан келиб чиққан ҳолда, ота-оналарнинг телевизор зарари тўғрисидаги ахборотга эга бўлиши ва етакчи мутахассислар тавсиялари билан танишиш чиқиши нафақат фойда, балки мажбуриятга айланмоғи даркорлиги яна бир маротаба таъкидланди.

Наргиза ИБРОҲИМОВА

### ЕВРОПА ЖАЗИРАМАДА ҚОЛАДИ(МИ?)

Кўҳна қитъада бу йилги ёз замонавий метео-кузатувлар тарихидаги ўта иссиқ фасл бўлиши кутилмоқда. «Дэйли мейл» нашрида ёзилишича, сўнгги об-ҳаво ўзгаришлари олимларнинг шундай хулосага келишига сабаб бўлди.

— Ўтган 12 ой ичида Ер атмосферасининг ўртача кунлик ҳарорати охириги 130 йил давомидаги энг балан кўрсаткич, деб қайд этилди, — дея маълум қилди тадқиқотлар раҳбари Жеймс Хансен. — Жорий йилнинг январь-апрель ойлари мобайнида кузатилган об-ҳаво эса рекорд даража экани аниқланди. Математик моделлар келгуси ойларда ҳам ҳарорат кўтарилиб боришини кўрсатгани боис эндиликда Шимолий яримшардаги барча давлатларда ўта иссиқ об-ҳаво ҳолати ҳукмрон бўлади, деган фикрдамиз.

Олимларнинг хулосаларига кўра, бундай атмосфера шароитининг юзага келиши Тинч океанининг иссиқ оқимлари ҳаракатидаги ўзгаришлар туфайлидир. Ўз навбатида, улар «Эль-Ниньо» номини олган иқлим феноменини вужудга келтирган. Қолаверса, бу йил Тинч океанида одатдагидан кўра кўпроқ иссиқлик чиқараётгани сабаб сайёрамиз атмосферасининг пастки қатламлари қизиши ҳам кузатилаётганини мутахассислар таъкидлашяпти.

### ЯНГИЧА ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛИ

Океан ортидаги Мичиган университети илмий ходимлари Виктор Ли ва Инци Ян томонидан ажойиб эластик қурилиш хомашёси ишлаб чиқилди. «Neatorama» манбасида ёзилишича, янги турдаги бетон одатдагидан кўра анча пишиқ ва кичик ёриқлар пайдо бўлганда ҳатто тикланиш хусусиятига эга экан.

Умуман олганда, олимлар бетоннинг ўзгача турларини ишлаб чиқиш ғояси устида 15 йилдан буён тадқиқот олиб боришяпти. Тадқиқотчиларнинг бу галги ишланмаси муваффақиятига чиғаноқлар, аниқроғи, уларнинг ўсишига таъсир кўрсатадиган минераллар мажмуи сабаб бўлди. Чунки шу турдаги бирикмалар бетон таркибига қўшилганда унинг пишиқлиги ошган.

Биринчидан, у кучли босим ва ёмирилишлар (масалан, zilzila пайтида) кузатилганида ҳам синмайди, гарчи бунда ташқи тарафида кўплаб ёриқлар пайдо бўлса ҳам. Иккинчидан, босим тўхтатилгач, қурилиш материали тўлиқ тикланиши мумкин. — Тикланиш учун эса маълум миқдорда сув ёки ёмғирнинг ўзи kifoya. Жараёнда бетондаги минерал бирикмалари сув ҳамда ҳаводаги карбонат ангидрид билан бириқиб, ёриқлар ўрнини тўлдирувчи кальций карбонати ишлаб чиқилади, — дейди лойиҳа муаллифлари. — Эътиборлиси, тикланганидан сўнг ҳам бетоннинг зарарланган қисми аввалгидек мустаҳкам бўлади.

Олимлар янги турдаги бетон йўллар, кўприклар ва zilzilaга чидамли кўпқаватли турар жойлар қурилишида, айниқса, қўл келишини таъкидлашди. Ҳозирча ушбу қурилиш ашёсининг нархи одатдагидан уч баробар кимматроқ экани ҳам эълон қилинди.

Маълумот ўрнида таъкидлаш жоизки, бундан биров олдин Мичигандаги улкан кўприк қурилишида шунга ўхшаш эластик бетондан фойдаланилган. Натижада кўприкда кетаётган автоулов шовқинсиз ҳаракатланадиган бўлди.



### КИТОБМИ ЁКИ МОБИЛЬ ТЕЛЕФОН?

Буюк Британияда Адабий мерос миллий фонди томонидан ўтказилган охириги изланишлар мамлакатда ҳатто 7 ёшгача бўлган болаларнинг катта қисми китоб эмас, уяли алоқа воситасига эғалигини кўрсатди. Хусусан, уларнинг салкам 90 фоизда мобиль телефон, 75 фоиз респондентда эса китоб борлиги аниқланди. Мутахассисларнинг фикрича, мазкур ҳолат ёшларнинг китоб мутлоаа қилиш кўрсаткичи пасайиб кетганининг ёрқин исботидир, дея хабар берди «Би-Би-Си Ньюс».



Тадқиқот давомида 7—16 ёшдаги ўқувчиларнинг 17 минг нафари сўровномаларда иштирок этди. Изланишнинг яна бир аҳамиятли томони — у орқали олимлар мутлоаа қилиш ва кутубхонага эга бўлиш ўртасидаги алоқа борлигини аниқлашган. Мана масалан, ёшига нисбатан кўп китоб ўқийдиган қатнашчиларнинг 75 фоизининг уйида ўз кутубхонаси бўлган. Белгиланган меъёрдан кам китоб мутлоаа қиладиган ёшларнинг 58 фоизи уйида ноёб бадий асарлар борлиги билан мақтана олган. Шунга қарамай, шахсий кутубхонага эга бўлганлар (93 фоиз) ва кутубхонаси йўқлар (80 фоиз) ёшларнинг катта қисми китоб ўқиш инсон ҳаётидаги муваффақиятларни белгилловчи асосий омиллардан бири эканини таъкидлашган. Қизиқ ҳолат: китоб мутлоаа қилишни ёқтирадиганлар бошқаларга нисбатан мобиль телефони каби техника жиҳозига у даражада ружу қўймас экан. Яқунда уйда атиги 20 донга китоб бўлишининг ўзи болаларнинг мактабда ўқиши борасида жиддий муаммолар бўлмаслиги имкониятини оширади, деган фикр ҳам ўртага ташланди.

### РОБОТ — КЎЗ ЖАРРОҲИ

Швейцария технологик институти профессори Бред Нельсон бошчилигидаги бир гуруҳ олимлар «биомикророботлар» — инсон организмга киритилиши мумкин бўлган митти қурилмалар лойиҳаси устида иш олиб борди. Уларнинг мазкур йўналишдаги сўнгги ишланмалари мутахассислар томонидан алоҳида эътироф этилди. Бу ҳақида tembrana.ru сайти эълон қилди.

— Аслида ушбу роботлардан ташхис қўйиш, дори-дармонларни етказиб бериш ва жарроҳлик операцияларини бажариш мақсадларида фойдаланиш мумкин, — деб изоҳ берди Нельсон. — Хусусан, ҳозирда кўз жарроҳлиги йўналишида уларнинг хизматидан фойдаланишни режалаштиряпмиз.

Мазкур қурилманинг узунлиги салкам 1 миллиметр бўлиб, у бир нечта никелдан ясалган қисмлардан иборат. Бир қарашда уни тўла маънодаги робот деб бўлмайди, чунки қурилма ташқи магнит майдони орқали бошқарилади. Аммо профессор Нельсон роботда маълум магнит частоталарга созланган ҳаракатчан механик ташкилий қисмлар ҳам борлигини айтмоқда. Масалан, 2 килогерцли частота митти ҳажмдаги шприц, 3 килогерцда эса дориларни «етказиб» берувчи ўзига хос насос ишга тушади. Тадқиқотчи ўз ихтироси ҳақидаги янада батафсилроқ маълумотни жорий йилнинг октябрь ойида АҚШда ўтадиган Нанотехнологиялар ихтисослашган халқаро конференциясида маълум қилиш ниятида.

Наргиза РУСТАМБЕКОВА ва Муножот АЛИМОВА тайёрлади.

## So'z ko'rk'i

## NEGA SHUNDAY DEYMIZ?

B

**Bir balosi bo'lmasa, shudgorda quyruq na qilur?! Bu maqol tulkingning tilidan aytilgan. Tulki quyruqqa o'ch bo'ladi. O'tmishda ovchilar tulkini tutish uchun qopqonni tuproqqa ko'mib, ustiga bir parcha dumba yog'i qo'yib ketganlar. Tulki uni yeyman deb, tumshug'idan qopqonga ilingan. Ammo hamma tulki ham osonlikcha qo'lga tushavermagan. Chunki tulki hayvonlar ichida juda sezgir, hushyor va ayyor jonivor bo'ladi. Mazkur maqol shuning natijasida yuzaga kelgan; majoziy ma'noda odamlarni hushyorlikka, ehtiyotkorlikka undaydi. Muqobillari: "Bozordagi botmon quyruq, taroziga tortgan quyruq, bir balosi bo'lmasa, nega shudgorda yotgan quyruq?!"; "Bir balosi bo'lmasa, savatda kabob na qilur?!". Bu keyingi maqol sichqonning tilidan aytilgan. Zararkunanda sichqonni yo'qotish uchun uning kavagi og'ziga margimush sepilgan jizza, kabob jazi qo'yib qo'yilgan.**

Maqolda favqulodda hayrat, o'ychanlik, hushyorlik va sezgirlikka da'vat kuchli.

**Bir yigit qirq yilda bino bo'ladi.** Yigit bu yerda "chin inson, har taraflama yetuk odam" mazmunida ishlatilgan. "Bir yigit qirq yilda bunyod bo'ladi", degan muqobili ham bor. Kishi dunyoda qirq yil, ya'ni ancha-muncha yashagandan keyingina har jihatdan kamol topadi, hayotning past-balandini tushunib, achchiq-chuchugini totadi. Uylanib, bola-chaqa orttirib, haqiqiy hayot yo'lga tushib oladi, deyilmoqchi. Qirq yil bu yerda ko'p vaqt, muayyan zamon ma'nosida kelib, insonning odam bo'lishi uchun ma'lum bir muddat uning murakkab hayot yo'lini bosib o'tishi talab qilinishi ifodalanmoqda.

**Bir kun janjal chiqqan uydan qirq kun baraka qochar.** Oilada bo'lar-bo'lmasga janjal qilavermaslik, ayniqsa, er bilan xotin ahil bo'lishi zarurligini uqtiruvchi bu maqolning turli muqobillari bor: "Bir kun urishganning qirq kun nasibasi qirqiladi"; "Janjalli uydan baraka qochar"; "Janjalli uy — azobli go'r"; "Oila ahil bo'lsa, omad o'zi oyog'i bilan keladi" kabi. Oila, mahalla va bu bilan butun mamlakat ahillik, birlikka chaqirilib, o'zbekning tinchlik-xotirjamlikni ulug'lovchi maqollaridan biri sifatida hamma zamonlarda nutqimizda faol qo'llaniladi.

**Bir savat tuxumga bir tepki kifoya.** Muqobili: "Bir gala qarg'aga bir kesak kifoya". Bu maqollar bilan "O'-ho", ko'p ekan, deb dushmandan qo'rqma, sirtidan ko'p ko'ringani bilan, bir zarbaliq holi bor", degan ma'noda jangchilarga dalda berilgan. Maqolda aslida "tuxum"ga achinish, bee'tiborlik bilan ko'p kunlik nasibani qiyish, oilaning oziq manbaini quritish, bo'lajak ko'p sonli jo'ja va tovuqdan bexosdan mahrum bo'lish ma'nolarida tanqid mantig'i hukmron.

**Bir yuzingni urushga qo'y, bir yuzingni yarashga.** Bu o'rinda "urush" va "urish" so'zlarining ma'nosini farqlash lozim. Mazkur maqolda bu so'z "urush-janjal" ma'nosida kelmoqda. Aslo "urish", "tarsaki tortish", "shapatilash" ma'nosida emas. "Birov bilan urushganda, so'kishganda, keyin yarashadigan, murosa-madora qilib ketadigan taraflarini ham ko'zlab ish ko'r, butunlay yuz ko'rmas bo'lib ketadigan darajada qattiq urishib-so'kishma", deyilmoqchi. Muqobili: "Boradigan eshigingni qattiq yopma". O'zbekona andisha, uzoqni ko'zlab ish ko'rish, jahl kelganda ham aqlni qochirmaslik o'giti.

Mahmud SATTOR

Қашқадарё вилояти Косон туманидаги 12-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Роза Юсупованинг 1-синфда "Одобнома" фанидан очик дарси бўлиб ўтди. Дарсни ҳозирги давр талабига мос ҳолда саҳналаштириб, ноанъанавий усулда ўтган муаллима кўргазмали қуроллар — магнит доска, тарқатма тест саволлари, электрон дарслик, "Сехрли китоб", рағбат гулдаси, мевалари ортига савол яширинган олма дарахти, "Чархпалак"дан ҳам фойдаланди.

## МАҲОР АТЛИ МУАЛЛИМ БАРЧАГА ЎРНАК



Дарс ташкилий қисм билан бошланди. Мустақиллик, гўзал диёримиз, давлат рамзлари ҳақидаги савол-жавоблар ўқувчиларга "Чархпалак" орқали берилди. Ўтган мавзу "Меҳнат ва касб-хунар ҳақида мақоллар" бўлиб, уй вазифасини сўрашда муаллимага "Сехрли китоб" ва магнит доска ёрдамга келди.

Роза Юсупова янги мавзуга ўтиш арафасида қутилмаган воқеа рўй берди. Эшик бехосдан тақиллаб, эртақ қаҳрамони «Билмасвой» синфхонага кириб келди ва дарсада қатнашиш учун рухсат сўради. Шундай қилиб янги — "Ким бўлсам экан?" мавзусидаги дарс бошланди.

Ўндан ортиқ касб ҳақида ўқувчилар томонидан шеърӣ тарзда маълумотлар берилди. Касблар ва соҳалар кўп — шифокорлик, сартарошлик, тикувчилик, ҳарбийлик, говвос, фазогир, судья, боғбон, психология, санъат, спорт... Шуларга оид атама, қуроллар билан иштирок этган ўқувчилар дарснинг бадиий ва қизиқарли ўтишини таъминлади. Айниқса, сартарошга таъриф берилганда "Сартарош" кўшиги, рақоса учун "Дўппи тикдим" каби ўзбек миллий кўшиқларининг янграши дарснинг мазмунини янада оширди.

Барча касблар ҳақида ўз фикрини билдирган «Билмасвой» ҳар бир касбнинг қийинчиликларини айтиб, машаққатидан кўрқди ва ҳеч бирини танламай турди.

Вaqtdan unumli foydalangan muallima «Bilmasvoy»-га касб танлаш ҳақида яна бир марта имконият берди ва барча касбларнинг шарафли жиҳатлари билан биргаликда машаққатларини ҳам таърифлади. «Билмасвой» ўйлаб-ўйлаб, бирор-бир касб ёки хунарни ўрганмасдан яшаб бўлмаслигини англаб, яхши ўқишга ваъда берди.

Ноанъанавий тарзда ўтган дарсни мустақамлаш учун машғулотни кузатишга ташриф буюрган фахрий педагог — Роза Юсупованинг қўлига илк бора қалам тутқазган инсон, бошланғич синф ўқитувчиси Мақсуда Темирова устозликнинг маъсулияти, шарафли жиҳатлари ҳақида ўқувчиларга сўзлаб берди.

Роза Юсупова бир соатлик очик дарсида ўқувчиларга турли касблар ҳақида тўлиқ маълумот бера олди.

— Роза Юсупова фаол, ижодкор ўқитувчи. Унинг меҳнатини қадрлаш керак, — дейди дарс таҳлилида иштирок этган Косон туман ХТБ услубчиси Моҳира Боймуродова. — Муаллиманинг дарс давомида фойдаланган услублари, қўллаган методларини нафақат туман миқёсида, балки республика бўйлаб омалаштирсак, ўқитувчи, педагоглар учун намуна ва ўрнак бўлар эди.

"Очик дарслар фестивали"нинг туман босқичида ҳам ўқитувчининг дарслари юқори баҳоланди.

Хуршидабону БЕРДИЁРОВА,  
ўқитувчи

## ИЗЛАНИШГА ЙЎЎРИЛГАН УМР

Моҳир педагог, олима, талабчан муаллим Дилбар Исоқованинг бир хислати бор. Ўзига ва ўзгаларга жуда талабчан. Соҳасининг билимдонлиги бўлишига қарамасдан, ҳар бир янги дарсга алоҳида тайёргарлик кўриб келади. Айни дамда Қибрай тадбиркорлик касб-хунар коллежида ветеринария йўналишида дарс бериб келаётган муаллимани барча ёшлар ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олишади.



Дилбар Исоқова талабалик чоғидаёқ илм йўлида изланишда бўлди. Тошкент давлат университетининг биология факультетини зоология мутахассислиги бўйича битиргач, Ўзбекистон Фанлар академияси Зоология ва паразитология институтида паразитология соҳасида илмий фаолият олиб борди.

Ҳозирда Қибрай тадбиркорлик коллежида «Ветеринария» кафедраси муdiri лавозимида ишлаб келмоқда.

Умр бўйи илм уммонидан дурлар терийшдан чарчамаган олима касб-хунар коллежлари ўқувчилари учун мўлжаллаб ёзилган «Паразитология» ўқув қўлланмаси, паразитолог мутахассислар учун мўлжалланган «Паразитология терминларининг изоҳли луғати», «Парранда касалликлари бўйича қисқача маълумотнома» каби ўнлаб китобларнинг муаллифи. Шунингдек, касб-хунар коллежларининг ветеринария йўналишига мўлжалланган тармоқ стандартлари, ўқув дастурлари ва ўқув режаларини тайёрлашда ўз ташаббуслари билан қатнашган.

Педагогик фаолияти билан бирга Дилбар Исоқова паразитология соҳасида, хусусан, қишлоқ хўжалиги ва уй ҳайвонлари гельминтларининг фаунаси, морфологияси, биологияси ва экологиясини ўрганиш борсида изланишлар олиб борган. Олиманинг 60 дан ортиқ илмий мақолалари паразитология ва зоология соҳаларидаги республика матбуоти ва халқаро журналларда чоп этилган.

Унинг ўз касбига жонқуярлиги, фидойилиги ва кадрлар тайёрлаш борасидаги хизматлари инобатга олиниб, «Шуҳрат» медали, «Ўртамаҳсус касб-хунар таълими аълочили» нишони билан тақдирланди.

Эркинжон ШАКАРБОЕВ,  
Владимир ГОЛОВАНОВ,  
Баҳодир ЮСУПОВ

## ҲАЁТ ЙЎЛИ — БИР КАРВОН

Кишида Худо юктирган фазилат бўлмаса, мақсадга хоҳиш-истак билангина эришининг имкони йўқ. Комилжон ака ёшлигидан ҳаракатчанлиги, аъло хулқи билан тенгдошларидан ажралиб турарди. Ўша пайтлардаёқ кўнглида устозларига ҳавас уйғонди. Ёшларга меҳрини кўшиб бераётган ўқитувчиларидек бўлишни орзулади. Шунданми, изланишдан толмайди-ган ёш муаллим 1974 йили Сирдарё давлат педагогика институтига ўқишга кирди. Таҳсилни тугатгач, Боёвут қишлоқ хўжалиги техникумида ўқитувчи, тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари лавозимларида ишлади. Машғулотларни қизиқарли ўтказишга, ўқувчиларнинг касбий малакани пухта эгаллашига алоҳида эътибор берди.

Кейинги ўн йил давомида устоз бор билими, куч-қувватини Боёвут қишлоқ хўжалик

касб-хунар коллежини ривожлантиришга бағишлаб келяпти. Таълим жараёнига янги педагогик технологияларни жорий этиш, ижодкор ёшларни қўллаб-қувватлашга у киши катта эътибор билан қарайди. Коллеж ўқувчиларининг фан олимпиадаларидаги муваффақияти, айниқса, «Шунқорлар» ҳарбий ўйинида қатнашиб, фахрли ўринни эгаллашида устознинг меҳнати салмоқлидир.



Алихон ЭШОНХОНОВ,  
Боёвут қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежи ўқитувчиси

**Badiiy  
gimnastika**

# ГЎЗАЛЛИК ВА НАФОСАТ УЙҒУНЛИГИ

Навоий вилоятида хотин-қизлар спортини, жумладан, бадий гимнастикани ривожлантириш борасида олиб борилаётган кенг қўламли ишлар маҳаллий аҳолини хушнуд этмоқда. Негаки, бугунги тадбиркор, ишбилармон орттирганини сандигининг бир четига беркитиб кўядиган ёхуд боламнинг боласига дея турли матоҳлар йиғадиган, эшигидан нарини кўрмайдиган кимса эмас. У ҳақиқий савоб, эзгу ишининг маънисини билади.

Бугун халқнинг боласини ўйласагина, уларнинг орасида ўзининг жигарбандлари ҳам униб ўсишини, Ватани гуллаб-яшнаса, хонадони нурга тўлишини жуда яхши ҳис этади. Ўтган йилнинг шу даврида вилоят бўйича, биргина бадий гимнастика билан шуғулланадиган заллар 20тани ташкил этган бўлса, бу йил уларнинг сони юздан ошгани ва аксарияти ҳомийлар маблағи ҳисобидан жиҳозлангани фикримизни яна бир бора тасдиқлайди.

— Худудда бадий гимнастикани ривожлантириш, ёшларимизнинг ушбу спорт турига бўлган қизиқишини ошириш ва эмин-эркин шуғулланиши учун имкониятлар яратиш масаласи вилоят ҳокимлиги эътиборида, — дейди Навоий вилоят Гимнастика

федерацияси ижрочи директори Баҳора Ҳамдамова. — Вилоятда бадий гимнастикани ривожлантириш дастури ишлаб чиқилган ва шу аснода амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар ҳам белгилаб олинган.

Этиборли жиҳати шундаки, аввало, спорт-

нинг мазкур турини ривожлантиришнинг моҳияти, уни инсон саломатлигини мустаҳкамлашдаги ўрнини акс эттирувчи, унинг оммавийлигини оширишни тарғиб этувчи Эҳб метр ҳажмдаги баннерлар тайёрланиб, шаҳар ва туман кўчаларига ўрнатилди. Шу мавзуда учрашувлар, суҳбатлар ташкил этилди. Спортнинг бу турини ривожлантиришда биринчи муаммо сифатида кўзга ташланган мутахассислар билан таъминлаш масаласини ҳал этиш мақсадида туман ва шаҳарлар миқёсида уч босқичли ўқув амалий-назарий мусобақа амалиёти тарзида ўтказиб борилиши режалаштириб олинди.

Мазкур тадбирларда фойдаланиш учун ҳар бир машқ рангли расмларда тасвирланган, назарий ва амалий тушунчаларга ургу берилган, гимнастика тарихига оид маълумотлар жамланган махсус қўлланмалар ишлаб чиқилиб, ҳар бир иштирокчига тарқатилди. Шу тариқа Навоий давлат педагогика институти ўқитувчилари томонидан яратилган «Спортнинг бадий гимнастика тури назарий машғулотлари учун» қўлланмаси асосида 12 соатлик назарий ўқувлар, «Сугдиёна» спорт клуби база-

сида эса 44 соатлик амалий машғулотлар олиб борилаётир. Шунингдек, Бухоро, Қашқадарё вилоятлари, Навоий ва Учқудуқ шаҳарлари ҳамда Зафаробод шаҳарчаси жамоаларининг тўқсондан ортиқ иштирокчилари чиқишларидан жамланган баҳс ҳам ўқув қатнашчилари учун бир сабоқ вазифасини ўтади десак, арзийди. Тадбирларда Ўзбекистон Гимнастика федерацияси вакиллари, маҳоратли мутахассислар Людмила Поливанова, Татьяна Креслованинг иштирок этиб, ўзларининг тажрибалари билан ўртоқлашиши машғулотларга кўтаринки кайфият ва мазмун бахш этди. Ниҳоят, тиббий кўрик, назарий ва амалий тестлар, сўровлардан ўтган 177 нафар инструкторларга сертификатлар топширилди. Демак, турли илм масканларида ташкил этилган залларда машғулотлар олиб бориш иқтидори, имконияти, билимига эга мутахассислар жойларда бадий гимнастикани ривожлантириш учун йўлланмалар олди. Шу тариқа вилоятда спортнинг мазкур тури билан шуғулланувчиларнинг сони тўққиз минг нафарга етказилиши режалаштирилган.

**Ойбуви ОЧИЛОВА**  
Навоий вилояти.



# ҚАТЪИЯТ ВА ИШОНЧ МАҲСУЛИ

Илк бора бу қизни катта спорт мусобақасида кўргандим. Ундаги галабага бўлган ишончнинг кучлилиги ҳавасимни орттирганди. Голиблик шоҳсупасида қувончи ичига сиймай турганида эса кўпчилик ёшларнинг қалбида унга ўхшаш истаги пайдо бўлган бўлса не ажаб. Буни ёнимдаги қизларнинг ҳавасманд нигоҳларидан пайқаш мумкин эди.

— Шу вақтгача нимага эришган бўлсам, ҳаммаси устозим Сергей Дионинг катта хизмати туфайлидир. Бу инсон, мана, 7 йилдирки, менга тазквандо сир-синоатларини ўргатиб келади, — дейди биз билан суҳбатда спортчи қиз тўлибтошиб. — Муваффақият ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Унга чидамлик, жисмоний куч билан ақлни бирлаштира олиш маҳорати ва албатта, берилаётган катта эътибор туфайли эришиш мумкин.

Спорт билан шуғулланишдан ташқари, бўш вақтларимда адабий китоблар кўп ўқийман. Яна кашта тикиш, шеър ёзишга ҳам қизиқаман. Мақола ва шеърларим билан республика газеталарида мунтазам қатнашиб келаман.

Нурия Ахунбетова ҳозирда Қорақалпоғистон Республикаси маиший хизмат касб-ҳунар коллежида ўқийди. У 2002 йилдан буён тазквандо спорт тури билан мун-

тазам шуғулланиб келади. Ёш бўлишига қарамай, бугунги кунга қадар кўплаб ютуқларни қўлга киритиб келмоқда.

Дастлаб спортчи қизимиз 2006 йили Чирчиқ шаҳрида ўтказилган

## Xotin-qizlar sporti

Ўзбекистон кубоги мусобақасида 53 кг. вазнда иккинчи, кейинчалик 2007 йили Тошкент шаҳридаги Ўзбекистон чемпионатида биринчи ўринни эгаллашга муяссар бўлди. Қолаверса, ўша йили Осиё кубоги беллашувларида мутлақ голиб деб топилди ва олтин медаль соҳибига айланди. 2008 йили Ўзбекистон биринчилигида чемпионликни қўлга киритди. Шунингдек, ўша йили Тошкент шаҳрида ташкил этилган Осиё чемпионатида олтин медаль билан

тақдирланди. Ўтган йили эса Нурия спорт соҳасида қўлга киритган ютуқлари учун спорт устаси бўлди.

— Спортни ўзининг ҳаёти мазмунига айлантирган Нурия олди-га қўйган мақсади сари қатъий интиладиган қиз, — дейди унинг мураббийи Сергей Дио. — Табиатан босиқ, етти ўлчаб бир кеса-диган шогирдимнинг бу жиҳатлари унга спортда жуда қўл келади. Сабаби, тазквандода ҳам бошқа спорт турларида бўлгани каби шошма-шошарлик ҳар қандай кучли спортчига панд бериши мумкин. Айни дамда унинг ўзи ҳам шогирд тайёрлапти. Устозидан ўтмаган шогирд чин шогирд эмас, дейишади. Аминманки, у келажакда биздан-да кучли мураббий бўлади.

Ютуқлари кўпчилигининг ҳавасини келтирган чемпион қиз Нурия Ахунбетовага тазквандо спортини ривожлантириш ва келажакда юртимиз донгини янада кўпроқ таратишда ўз ҳиссасини қўшишига умид билдирамиз.

**Қумар БЕГНИЯЗОВА,**  
талаба



## БЕНИТЕС «ЛИВЕРПУЛЬ» ДАН КЕТДИ

Футбол бўйича Англия миллий чемпионати тарихида «Ливерпуль» клубининг жуда катта ўрни бор. У инглиз жамоалари орасида энг сермахсул ҳисобланади. Бирок ортда қолган мавсумда ливерпулликлар барча совринлардан қуруқ қолди.

Бунинг асосий сабабчиси сифатида испаниялик таникли мутахассис — клуб бош мураббийи Рафаэль Бенитес кўрсатилди. У сўнгги вақтларда жамоа раҳбарлари кутган натижани туҳфа этолмади. Шунинг учун ҳам Бенитес эндиликда клубни тарк этиб, ўзига бошқа жойдан иш излашга мажбур, дея ёади «Ассошиэтед Пресс» ахборот агентлиги. Бенитес «Ливерпуль»га 2004 йили келди ва бир йил ўтар-ўтмас (2005 йили) мерсисайдликларни Европа чемпионлар



лигасининг бош соврини соҳибига айлантирди. Ёдингизда бўлса, ўшанда «Ливерпуль» жамоаси кутилмаган бурилиш қилган ва пеналилар ҳисоби бўйича «Милан»ни (4:3) доғда қолдирганди. Шу йили «Ливерпуль» Европа Суперкубогини, 2006 йили Англия Кубоги ва Суперкубогини қўлга киритганди. Аммо Бенитес шунча вақт ичида бирор мартаба Англия чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлолмади.

## ЗўРЛАРДАН ҲАМ ЗўР

Франция пойтахти Париж шаҳрида ташкиллаштирилган нуфузли «Ролан Гаррос» (Франция Очқ чемпионати) турнирида кутилмаган воқеалар, ажайиб сенсациялар содир этилдики, у ҳали ҳамон мутахассисларни лол қолдирапти.

26 ёшли австралиялик ракеткачи мазкур турнирдаги асосий шов-шув «муаллифи»дир. У бирма-бир жаҳоннинг энг кучли теннисчиларини қортдан бош эгиб чиқиб кетишига эришди. Бельгиялик Жюстин Энен, америкалик Серена Уильямс ва сербиялик Елена Янкович финал ўйинини энди томошабин сифатида кузатади. Саманта ҳал қилувчи учрашувни бугун италиялик рақибаси Франческа Скьявонега қарши ўтказди. Айнан шу матчдан сўнг «Ролан Гаррос-2010» соврини соҳибаси маълум бўлади.



## НАФАС РОСТЛАШ МУҲИМ

Таникли рус энгил атлети, икки карра Олимпиада ўйинлари чемпиони ва бир қатор жаҳон рекордларини ўрнатишга муваффақ бўлган спортчи Елена Исинбаева апрель ойида «кичик тамафус»га чиққанини билдирганди.

«Весь спорт» нашри берган маълумотга кўра, Елена бир ойдан сўнг яна катта спортга қайтиши ва тайёргарлик машғулотларида иштирок этиши мумкин. Энгил атлетика бўйича қишқи жаҳон чемпионатида кутилмаганда медалсиз қолиб кетган Исинбаева бироз тўхталиш қилиб, «нафас ростлаш»ни маъқул кўрганди.

— Боиси кейинги пайтларда Елена кўплаб хатоларга йўл қўя бошлаган. Бундай вақтда спортчига жисмонан дам олиш учун имконият яратиш керак. У 1 июлдан бошлаб жиддий тарзда машғулотларда қатнашишга киришади — дейди Еленанинг устози Виталий Петров.

Исинбаева июль ойи охирида Барселона шаҳри мезбонлик қилувчи Европа чемпионатида қатнаша олмаглиги ҳам мумкин.

## ЕТТИНЧИ БОСҚИЧДАН СўНГ

«Ред Булл» жамоасининг ҳайдовчиси австралиялик Марк Уэббер «Формула-1» таснифидagi автопойга бўйича жаҳон чемпионатининг еттинчи босқичидан сўнг якка пешқадамга айланиб олди.

Туркия Гран-присида унинг машинаси немис спортчиси Себастьян Фаттель бошқараётган автомобиль билан тўқнашиб кетган, марра чизигини учинчи бўлиб кесиб ўтганди. Шунга қарамай, Марк умумий ҳисобда 93 очко жамғаришга эришди ва Британия жамоаси — «Макларен» пойгачилари: Женесон Баттон (88 очко) ва Льюис Хэмилтонни (84 очко) ортда қолдирди. Конструкторлар Кубоги (умумжамоа ҳисобида) учун кечаётган баҳслар натижаси бўйича «Макларен» 172 очко тўплаб, етакчилик қилаётган бўлса, «Ред Булл» (171 очко) ҳамда «Феррари» (146 очко) жамоалари кучли учликни тўлдириб турибди.


Автопойга бўйича жаҳон биринчилигининг саккизинчи босқичи — Канада Гран-приси 11—13 июнь кунлари Монреалда ўтказилади.



Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти томонидан 1983 йилда Аҳмедова Шоира Эргашевна номига берилган ИВ-1 258908 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳар Сергели тумани ҳокимлиги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан рўйхатга олинган «RAYHON UNGAR» хусусий корхонаси тугатилишини маълум қиламиз.  
**Давволар бир ой муддатда қабул қилинади.**  
Манзил: Сергели-7, 77-уй 12-хонадон.  
Тел: (8371) 257-44-19.

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгаши жамоаси Бухоро давлат университети касаба уюшма кўмитасининг собиқ раиси **Ғиёс САЛОМОВ**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.



### Taqdimot



## ТОШКЕНТДА «ОЧИК МУЗЕЙ»



Ўзбекистон Бадий академияси йилдан-йилга санъат ихлосмандларига янги-янги лойиҳаларни тортиқ этиб келмоқда. Бир неча йилдан буён анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Тасвирий санъат» ҳафталигида ўз шогирдларим билан иштирок этиб, шунга амин бўлдимки, бу тадбир бўлажак рассомларнинг ўз касбига бўлган муносабатини кескин тарзда ўзгартиради. Хусусан, уларнинг ўқишга нисбатан муносабатларида ўзига хос ижобий силжиш рўй беради.

Яқинда Ўзбекистон Бадий академияси яна бир ажойиб лойиҳани Тошкент шаҳри аҳолиси ва пойтахтимиз меҳмонларига тақдим этди. Алишер Навоий номидаги Опера ва балет катта театри майдонида Ўзбекистон ва жаҳон тасвирий санъатининг ноёб намуналарининг «очик музейи» ташкил этилди. Бу «музей»нинг бир қатор жиҳатлари эътиборлидир. Биринчидан, кўргазмага қўйилган асарларнинг репродукциялари жуда сифатли бўлганлиги учун рассом гоёси, асар мазмунини эстетик идрок этиш жараёни завқли кечади.

Иккинчидан, кўргазмага қўйилган асарлар ҳам замонлар силсиласи (XV asrdan XXI asrgacha), ҳам географияси (дунёнинг турли шаҳарларидаги йирик музей ва галереялари) нуқтаи назари кенг қамровли.

Учинчидан, фикримча энг муҳими, кўргазмадан Ўзбекистон ва жаҳон тасвирий санъатининг

том маънодаги шоҳ асарлари ўрин олган. Эътибор беринг: Нью Йоркдаги Метрополитен музейидан, Санкт-Петербургдаги Эрмитаждан, Москвадаги Третьяков галереяси, Дрезден картиналар галереяси... Париж, Мадрид, Тошкент... шунингдек, бир қанча шахсий коллекциялардаги ноёб картиналар киши ҳайратини оширади. Яна бир ўта муҳим жиҳат — Европа Уйғониш даврининг буюк намояндalari — Леонардо да Винчи, Рафаэл Санти, Веласкес; машҳур импрессионистлар — Эдуард Моне, Камил Писсаро, Анри Матис, Ван Гоглар билан бир қаторда ўзбекистонлик рассомлар — Равел Бенков («Дутор ушлаган қиз»), Ўрол Тансиқбоев («Тошкент — Кўкюн йўллари»), Неъмат Қўзибоев («Шоир ва донишманд Фурқат») ва бошқаларнинг асарлари намойиши ҳам эстетик завқ, ҳам миллий гурур омили сифатида аҳамиятлидир.

Уйлаймизки, бу ерга ташриф буюрган томошабин, шубҳасиз, бир олам эстетик завқ олади. Зеро, Каземир Мелёвичнинг машҳур «Қора квадрат»ини, А.Дюрернинг автопортретини кўриш имконияти ҳар кимга ҳам, ҳар куни ҳам тақдим этилавермайди. Истикболда бу тадбир анъанавий тарзда ўтказиб борилса, юртдошларимиз маънавиятини оширишда муҳим омил вазифасини ўтайди.

Зилола СУЛАЙМОНОВА,  
Ўзбекистон Миллий университети аспиранти



### Ma'rifat

#### TA'SIS

#### ETUVCHILAR:

O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim va fan xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir:  
Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Jumanazar BEK-NAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV, Xurshid DO'STMUHAMMEDOV, Bahodir JOVLIYEV (bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Akmal ISLOMOV (mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA, Elshod NABIYEV, Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari), Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari), "Учитель Узбекистана", Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель Узбекистана"), Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta  
O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.

INDEKS: 149, 150. G-522.  
Tiraji 40189.  
Hajmi 4 bosma taboq.  
Ofset usulida bosilgan,  
qog'oz bichimi A-3.

Navbatchi muharrir:  
Mahmuda VALIYEVA.

Navbatchi:  
Zohidjon XOLOV.

«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga yuborilgan materiallar muallifga qaytarilmaydi.  
belgisi ostida reklama materiallari beriladi.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent,  
Matbuotchilar ko'chasi, 32.

E-mail: info@marifat.uz  
Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib — 233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-54-69, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda  
erkin narxda

Dizaynerlar  
Gulnora SAFAROVA,  
Malohat TOSHOVA.

«Sharq» nashriyot-matbaa  
aksionerlik kompaniyasi  
bosmaxonasi.

Korxonada manzili: «Buyuk Turon»  
ko'chasi, 41-uy

Bosishga topshirish  
vaqti — 21.00.  
Topshirildi — 22.30  
Uza kuyini — 21.30